// ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЧИЛИК ТЎПЛАМИ

42-сон (1062) 2022 йил октябрь

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЧИЛИК ТЎПЛАМИ

42-сон
(1062)
2022 йил
октябрь

***Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:***

***биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;***

***иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;***

***учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;***

***тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;***

***бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.***

## МУНДАРИЖА

*Биринчи бўлим*

389. «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 19 октябрдаги ЎРҚ–794-сон Қонуни

*Иккинчи бўлим*

390. «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 20 октябрдаги ПҚ–405-сон қарори

391. «Ўзбек имо-ишора тили ва Брайль алифбосини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 20 октябрдаги ПҚ–407-сон қарори

*Учинчи бўлим*

392. «Назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятида давлат назоратини ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 19 октябрдаги 611-сон қарори

*Бешинчи бўлим*

393. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2022 йил 14 октябрдаги 23-мҳ-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар томонидан қабул қилинган айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги буйруғи *(Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 17 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3392)*

394. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2022 йил 14 октябрдаги 24-мҳ-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар томонидан қабул қилинган айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги буйруғи *(Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 17 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3393)*

395. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2022 йил 11 октябрдаги 2022-31-сон, Давлат божхона қўмитасининг 2022 йил 30 сентябрдаги 13/02-22-36-сон ва Марказий банки бошқарувининг 2022 йил 29 сентябрдаги 20/3-сон «Юридик ва жисмоний шахслар томонидан валюта операциялари амалга оширилишининг асосланганлиги юзасидан мониторинг олиб бориш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори *(Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 18 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2467-5)*

396. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2022 йил 5 октябрдаги 55-сон «Қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга ошириш ҳуқуқини олиш учун жисмоний шахсларни аттестация (қайта аттестация)дан ўтказиш тўғрисидаги низом ва унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги буйруғи *(Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 18 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 660-8)*

397. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2022 йил 17 октябрдаги 24-сон «Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларида Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан даволанадиган касалликлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи *(Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 19 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3348-1)*

398. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2022 йил 13 октябрдаги 45-В-сон «Назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган текширувларни келишиш ва ўтказиш тартиби ҳақидаги вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи *(Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 20 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3067-1)*

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

## БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

### 389 Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан 2022 йил 19 апрелда қабул қилинган

Сенат томонидан 2022 йил 13 сентябрда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар, № 9, 341-модда, № 12, 471, 477-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430-модда, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 471-модда, № 9, 592-модда, № 11, 787-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 204-модда, № 7, 449-модда, № 10, 593-модда, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 14-моддалар, № 2, 142, 144-моддалар, № 3, 217-модда, 4-сонга илова, № 8, 800, 803-моддалар, № 10, 966, 968, 973-мод-

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 19 октябрда эълон қилинган.

далар, № 12, 1193-модда; 2022 йил, № 2, 81-модда, № 3, 215, 216-моддалар) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **168-модда:**

**иккинчи қисмининг диспозицияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Фирибгарлик:

а) анча миқдорда;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса»;

**учинчи қисмининг диспозицияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Фирибгарлик:

а) кўп миқдорда;

б) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

в) хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда;

г) ахборот тизимидан, шу жумладан ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилган бўлса»;

2) **169-модда учинчи қисмининг «б» банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«б) қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) ахборот тизимига кириб ёки ундан фойдаланиб».

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1,

242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда, № 9, 539, 540-моддалар, № 10, 593, 596-моддалар, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 7, 12, 13, 14-моддалар, № 2, 142-модда, № 3, 217-модда, № 4, 290, 293-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 802, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 966, 967, 968, 973-моддалар, № 11, 1066-модда; 2022 йил, № 1, 1, 2-моддалар, № 2, 80, 81-моддалар, № 3, 215, 216-моддалар) қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

1) **VII боб** қуйидаги мазмундаги **64[1]-модда** билан тўлдирилсин:

**«64[1]-модда. Моддий маданий мерос объектларига нисбатан ҳурматсизлик билан муносабатда бўлиш**

Моддий маданий мерос объектларига нисбатан ҳурматсизлик билан муносабатда бўлиш, яъни ёзувлар ёзиш, расмлар чизиш йўли билан уларни таҳқирлаш ёки уларга шикаст етказиш, моддий маданий мерос объектларини, шу жумладан уларнинг тарихий, илмий, бадиий ёхуд ўзгача маданий қимматига доғ туширувчи ёки уларни масхара қилувчи ҳаракатларни содир этиш, худди шунингдек моддий маданий мерос объектларига нисбатан жамоат тартибини бузувчи ҳаракатларни содир этиш, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган оз миқдорда зарар етказган ҳуқуқбузарликни содир этиш, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган, кўп бўлмаган миқдорда зарар етказган ҳуқуқбузарликни содир этиш, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн беш бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи, иккинчи ёки учинчи қисмларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этиш, —

ўн беш сутка муддатга маъмурий қамоққа олишга ёки ушбу Кодексга мувофиқ ўзига нисбатан маъмурий қамоққа олиш қўлланилиши мумкин бўлмаган шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма бараваридан ўттиз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Оз миқдордаги зарар деганда базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз бараваригача бўлган доирадаги, кўп бўлмаган миқдордаги зарар деганда базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз бараваридан юз бараваригача бўлган доирадаги миқдор тушунилади»;

2) **245-модданинг биринчи қисми** «64» рақамидан кейин «64[1]» рақами билан тўлдирилсин.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 26 майда қабул қилинган **«Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–386-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2015 йил, № 5, 179-модда; 2018 йил, № 7, 433-модда; 2019 йил, № 12, 880-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **3-модданинг тўққизинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**ташувчи** — мулк ҳуқуқи асосида ёки бошқа қонуний асосларда транспорт воситасига эгалик қиладиган, қонунчиликка мувофиқ йўловчиларни ҳамда уларнинг мол-мулкини тижорат асосида ташиш бўйича хизматлар кўрсатадиган ва бунинг учун тегишли лицензияга эга бўлган ёхуд рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжати бўлган юридик шахс ёки якка тартибдаги тадбиркор»;

2) **15-модданинг бешинчи хатбошисидаги** «ташувчи ходимларининг» деган сўзлар «ташувчининг, ташувчи ходимларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **22-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ташувчининг ўз фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш бўйича мажбурияти бажарилишини назорат қилиш транспорт соҳасидаги қуйидаги давлат органлари томонидан амалга оширилади:

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги;

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Фуқаро авиацияси агентлиги;

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш инспекцияси».

**4-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**5-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ушбу Қонун 3-моддасининг 1-банди ушбу Қонун кучга кирган кундан эътиборан уч ой ўтгач амалга киритилади.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2022 йил 19 октябрь,
ЎРҚ–794-сон

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

### 390 Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 сентябрдаги «Ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–6061-сонли Фармонига асосан, ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиш бўйича ишлар тўлиқ янгиланган форматда олиб борилмоқда.

Хусусан, янги интеграциялашган ахборот тизими ишга туширилиб, ҳозирга қадар республикадаги 40,5 млн гектар ер майдонининг электрон харитаси яратилди ва улар тўғрисидаги маълумотлар рақамлаштирилди.

Ушбу йўналишдаги ислоҳотларни изчил давом эттириш, ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг тўлиқ давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминлаш, ер ва кадастр соҳасида давлат назорати самарадорлигини ошириш, соҳада янги стандартларни жорий қилиш, Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги (кейинги ўринларда — Кадастр агентлиги) органлари ва ташкилотларининг моддий-техника базасини яхшилаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг «2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–73-сон қарорига мувофиқ, 2023 йил 1 январдан бошлаб ер участкаларидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилмаган ерларда жойлашган ирригация ва мелиорация объектлари ҳамда автомобиль йўлларини сақлаш ва таъмирлаш учун бюджет маблағлари ажратилмаслиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Сув хўжалиги вазири Ш. Хамраев, Автомобиль йўллари қўмитаси раиси А. Абдувалиев, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ бошқаруви раиси в.б. Х. Хасилов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари давлат органлари ва ташкилотлари фойдаланишида бўлган ер участкаларидан доимий фойдаланиш ҳуқуқининг белгиланган тартибда тўлиқ давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминламаганлиги учун огоҳлантирилсин.

3. 2023 — 2026 йилларда Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр

---

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 21 октябрда эълон қилинган.

агентлиги органлари ва ташкилотлари фаолиятининг асосий прогноз кўрсаткичлари 1-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Кадастр агентлиги директори Ф. Пўлатов мазкур прогноз кўрсаткичларга эришилишини таъминлаш учун масъул этиб белгилансин.

4. Қуйидагиларни ўз ичига олган 2023 — 2026 йилларда Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги органлари ва ташкилотларининг моддий-техника базасини такомиллаштириш дастури тасдиқлансин:

2023 — 2026 йилларда Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги органлари ва ташкилотларини ўлчаш воситалари, замонавий компьютер техникаси, дастурий таъминот ва мебель билан таъминлашнинг асосий кўрсаткичлари 2-иловага* мувофиқ;

2023 — 2026 йилларда Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги органлари ва ташкилотларида бино ва иншоотларни қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш параметрлари 3-иловага* мувофиқ;

2023 — 2026 йилларда фазовий маълумотлар соҳасида қабул қилинадиган стандартлар рўйхати 4-иловага* мувофиқ;

2023 — 2026 йилларда давлат кадастрлари, геодезия ва картография соҳасини ривожлантириш бўйича «йўл харитаси» 5-иловага* мувофиқ.

Вазирлар Маҳкамаси (Ж. Қўчқоров) мазкур Дастурда белгиланган тадбирларнинг ўз вақтида ва тўлиқ бажарилиши устидан қатъий назорат ўрнатсин.

5. Белгилансинки, 2023 йил 1 январдан бошлаб:

Кадастр агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бошқармалари, туман (шаҳар) бўлимлари (кейинги ўринларда — ҳудудий бўлимлар), Кадастр агентлиги Давлат кадастрлари палатаси (кейинги ўринларда — Давлат кадастрлари палатаси), унинг ҳудудий бошқармалари ва туман (шаҳар) филиаллари фаолиятини ташкил этиш, назорат қилиш ва уларга умумий раҳбарлик қилиш вертикал бошқарув тизими ҳамда яккабошчилик асосида Кадастр агентлиги томонидан амалга оширилади;

Кадастр агентлигининг ҳудудий бўлимлари фаолиятини молиялаштириш, шу жумладан, сақлаш, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар харажатлари Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети параметрларида назарда тутилади;

Кадастр агентлигининг ҳудудий бўлимлари, Давлат кадастрлари палатаси ҳудудий бошқармалари ва туман (шаҳар) филиалларининг қонуний фаолиятига маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан аралашиш ёки таъсир ўтказиш қатъий тақиқланади.

6. Кадастр агентлиги, Ички ишлар вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги 2023 йил 1 июлга қадар Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга мувофиқ Кадастр агентлиги органларига тааллуқли бўлган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомани

---

* 1 — 5-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ички ишлар вазирлигининг «E-ma'muriy ish» тизими билан тўлиқ интеграция қилинган махсус мобиль дастур орқали электрон ҳужжат шаклида тузиш имкониятини яратсин.

7. Қуйидагилар:

Кадастр агентлиги марказий аппарати тузилмасида — Фазовий маълумотлар миллий инфратузилмасини ривожлантириш бошқармаси;

Кадастр агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бошқармалари тузилмаларида — чегара масалалари бўйича бош мутахассис лавозими;

Тошкент геодезия ва картография коллежи тузилмасида — юридик шахс мақомига эга бўлмаган Кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш маркази;

«Геоинновация маркази» ДУК тузилмасида — геодезия ва картография соҳасида қўлланиладиган ўлчаш воситаларини қиёслаш ва калибрлаш лабораторияси, кадастр соҳасида илмий даражали кадрларни тайёрлаш бўйича таянч докторантура фаолияти, Фазовий маълумотлар соҳасида стандартлаш бошқармаси ҳамда Илмий тадқиқот фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими ташкил этилсин.

8. Белгилансинки:

Фазовий маълумотлар миллий инфратузилмасини ривожлантириш бошқармаси учун қўшимча 16 та штат бирлиги Давлат кадастрлари палатасидаги тегишли штат бирликлари қисқартирилиши ҳисобига ташкил этилади, ушбу штат бирликларини сақлаш ва Давлат кадастрлари ягона тизимини юритиш харажатлари ҳар йили геодезия, картография ва давлат кадастрларини юритиш ишлари учун Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар доирасида молиялаштирилади;

13 нафар чегара масалалари бўйича бош мутахассис лавозими Давлат бюджетидан молиялаштириладиган қўшимча штат бирликларини ажратиш ҳисобидан жорий этилади.

9. Белгилансинки, янги ўзлаштирилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг хулосасига мувофиқ қабул қилинадиган Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимларининг қарорига асосан қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар тоифасининг тегишли турига киритилади.

Кадастр агентлиги 2023 йил 1 мартга қадар Ер ресурсларининг ҳолати тўғрисидаги миллий ҳисоботни юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин, унда ер фонди тоифалари ва турларини ўзгартириш ҳамда ушбу ўзгаришларни ҳисобга олиш тартибини назарда тутсин.

10. Белгилансинки, Кадастр агентлиги органлари ва ташкилотларида бино ва иншоотларни қуриш, реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш доирасида:

буюртмачи — Кадастр агентлиги органлари ва ташкилотлари ҳисобланади;

бош лойиҳачи ва пудрат ташкилотлари — қонунчилик ҳужжатларида

белгиланган тартибда ўтказиладиган танлов ёки тендерлар натижалари бўйича аниқланади.

11. Мазкур қарорда назарда тутилган тадбирларни молиялаштириш манбалари этиб қуйидагилар белгилансин:

доимий фаолият кўрсатадиган сунъий йўлдош орқали кузатиш станцияларини харид қилиш қисми бўйича — Давлат бюджети маблағлари;

бино ва иншоотларни қуриш, реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш қисми бўйича — Кадастр агентлигининг бюджетдан ташқари жамғармаси маблағлари, Кадастр агентлиги ва унинг ҳудудий бошқармалари махсус ҳисобварағидаги қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларидан тушган компенсация тўловининг қолдиқ маблағлари, тизим ташкилотларининг ўз маблағлари ҳамда қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар;

Кадастр агентлиги органлари ва ташкилотларини ўлчаш воситалари, замонавий компьютер техникаси, ахборот-коммуникация технологиялари, дастурий таъминот ва зарур жиҳозлар билан таъминлаш ҳамда илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш қисми бўйича — Давлат бюджети маблағлари, Кадастр агентлигининг бюджетдан ташқари жамғармаси маблағлари, тизим ташкилотларининг ўз маблағлари, Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан ўтказиладиган илмий лойиҳалар танловлари натижалари бўйича ажратиладиган грантлар ҳамда қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

12. Кадастр агентлигининг республика ҳудудларининг табиий-иқтисодий салоҳияти ягона умумдавлат комплекс ҳисобга олинишини таъминлаш, ҳудудларда амалга ошириладиган давлат ва махсус аҳамиятга эга геодезия, топография ва картография ишларининг аниқлиги ва сифатини ошириш, сунъий йўлдош геодезик тармоғи қамровини кенгайтириш мақсадида мазкур қарорга 2-иловага мувофиқ, 80 та доимий фаолият кўрсатадиган сунъий йўлдош орқали кузатиш станцияларини харид қилиш ҳақидаги таклифи маъқуллансин.

Кадастр агентлиги (Ф. Пулатов):

уч ой муддатда доимий фаолият кўрсатадиган сунъий йўлдош орқали кузатиш станцияларини жойлаштириш (қуриш) учун техник лойиҳа ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

доимий фаолият кўрсатадиган сунъий йўлдош орқали кузатиш станцияларини харид қилиш, ишлаб чиқилган техник лойиҳага мувофиқ уларни 2023 — 2025 йилларда тегишли ҳудудларга жойлаштириш (қуриш) чораларини кўрсин.

13. Кадастр агентлиги Қурилиш вазирлиги билан биргаликда мазкур қарорга 3-иловада белгиланган объектлар бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари ваколатли экспертиза органларида белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши ва келишилиши ҳамда қурилиш-монтаж ишларининг сифатли бажарилиши устидан назорат ўрнатиш чораларини кўрсин.

14. Молия вазирлиги (Т. Ишметов) 2023 йилдан бошлаб:

ушбу қарорни амалга ошириш доирасидаги сарф-харажатлар учун Давлат бюджетидан Кадастр агентлигига зарур маблағларни ажратсин;

ҳар йили Кадастр агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри бошқармалари, туманлар (шаҳарлар) бўлимларини сақлаш харажатлари Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети параметрларида назарда тутилишини таъминласин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 6-иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

16. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Давлат солиқ қўмитаси раиси Ш.Д. Кудбиев ва Кадастр агентлиги директори Ф.Ж. Пулатов белгилансин.

Қарор ижросини назорат қилиш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2022 йил 20 октябрь,
ПҚ–405-сон

---

* 6-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

# 391 Ўзбек имо-ишора тили ва Брайль алифбосини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида*

Кўриш, эшитиш ва нутқида нуқсони бўлган шахсларнинг саводхонлигини ошириш, ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга кўрсатиладиган таълим хизматлари сифатини яхшилаш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида»ги Қонуни ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбек имо-ишора тили ва Брайль алифбосини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

ўзбек имо-ишора тилини янада ривожлантириш ва унинг ҳуқуқий мақомини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, ундан мулоқот воситаси сифатида фойдаланишни рағбатлантириб бориш;

ўзбек имо-ишора тили ва Брайль алифбосида ўқитиладиган таълим дастурларига қўйиладиган давлат талабларини такомиллаштириш;

ўзбек имо-ишора тили ва Брайль алифбосига ўқитишда замонавий ахборот технологиялар, инновацион воситалар ва усулларни кенг қўллаш;

кўриш, эшитиш ва нутқида нуқсони бўлган шахсларга телевизион дастурлар, фильмлар, театр ва бошқа маданий тадбирларнинг улар учун қулай форматларда бўлишини, шу жумладан сурдотаржима ёки субтитрлар билан намойиш этилишини таъминлаш;

кўриш, эшитиш ва нутқида нуқсони бўлган шахсларнинг ижтимоий-меҳнат кўникмаларини ҳосил қилишига ва жамиятга уйғунлашувига кўмаклашиш.

2. Белгилансинки:

2023 йил 1 январдан бошлаб, талаблардан келиб чиққан ҳолда, умумий ўрта таълим муассасалари ҳамда «Ишга марҳамат» мономарказларида ўзбек имо-ишора тили ва Брайль алифбосини ўргатиш бўйича махсус ўқув курслари (кейинги ўринларда — махсус ўқув курслари) ташкил этилади;

махсус ўқув курсларида кўриш, эшитиш ва нутқида нуқсони бўлган шахслар ҳамда ушбу тоифадаги вояга етмаган болаларнинг ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар — бепул, қолган шахслар — пуллик асосда ўқитилади;

махсус ўқув курсларида ўқиш истагини билдирган шахслар Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлигининг махсус ахборот платформасида онлайн рўйхатдан ўтади;

Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги тегишли йўналиш бўйича камида 8 нафар талабгордан иборат бўлган гуруҳ шакллангандан сўнг, тегишинча Халқ таълими вазирлиги ёки Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига махсус ўқув курсларини ташкил этиш бўйича буюртма жойлаштиради;

---

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 21 октябрда эълон қилинган.

махсус ўқув курслари якуни бўйича таълим олувчилар учун якуний назорат имтиҳонлари ташкил этилади. Бунда, якуний назорат имтиҳонларини қабул қилувчи комиссия таркибига мажбурий тарзда ҳудудий карлар ва кўзи ожизлар жамиятларидан вакиллар ҳамда ўзбек имо-ишора тили ва Брайль алифбоси бўйича малакали мутахассислар жалб этилади;

махсус ўқув курсини муваффақиятли тамомлаб, якуний назорат имтиҳонларини топширган таълим олувчиларга тегишли даражадаги давлат намунасидаги сертификат берилади;

махсус ўқув курсларини ташкил этиш Давлат бюджети маблағлари, талабгорларни пуллик асосда ўқитишдан тушадиган маблағлар, халқаро ва маҳаллий грантлар ҳамда қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

3. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н. Хусанов) Халқ таълими вазирлиги (Б. Саидов), Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги (А. Инаков), Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти ҳамда Ўзбекистон карлар жамияти билан биргаликда 2022 йил 1 декабрга қадар:

ўзбек имо-ишора тили ва Брайль алифбосини ўргатиш бўйича ўқув курсини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни ҳамда махсус ўқув курсларини тугатганлик ҳақидаги сертификат намунасини тасдиқласин;

махсус ўқув курсларини малакали педагог кадрлар билан таъминласин ва уларга методик жиҳатдан амалий ёрдам кўрсатсин;

илғор хорижий тажрибадан келиб чиқиб, махсус ўқув курсларининг машғулотлар режаси ва дастурларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) 2023 йил 1 январдан бошлаб:

давлат телеканалларида ҳафталик эфир вақтининг камида беш фоиз ҳажмидаги кўрсатувлар сурдотаржима, яширин субтитрлар ёки «югурувчи сатрлар» билан намойиш этилади;

давлат олий таълим муассасаларининг магистратура мутахассисликларига ҳамда олий таълимдан кейинги таълим ихтисосликларига ўқишга қабул қилишда кўриш, эшитиш ва нутқида нуқсони бўлган шахслар томонидан хорижий тилни билиш бўйича миллий ёки унга тенглаштирилган халқаро сертификатни тақдим этиш талаб этилмайди;

олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонларида қатнашаётган эшитиш ва нутқида нуқсони бўлган абитуриентлар мажбурий тартибда сурдотаржимон хизматлари билан таъминланади;

б) 2024/2025 ўқув йилидан бошлаб кар ва заиф эшитувчи болалар учун ихтисослаштирилган таълим муассасаларининг ўқитувчи лавозимига фақат дарс ўтиладиган имо-ишора тилини биладиган педагог кадрлар ишга қабул қилинади.

5. Ўзбек имо-ишора тилини ривожлантириш, шунингдек, эшитиш ва нутқида нуқсони бўлган шахсларни янада қўллаб-қувватлаш мақсадида қуйидагилар:

а) Инновацион ривожланиш вазирлиги (И. Абдурахмонов), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А. Тошкулов) ҳамда Халқ таълими вазирлиги

(Б. Саидов) Ўзбекистон карлар жамияти, олий таълим муассасаларининг махсус педагогика йўналиши профессор-ўқитувчилари ва ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар педагоглари билан ҳамкорликда:

2024 йил 1 январга қадар илғор хорижий тажрибага таянган ҳолда ўзбек имо-ишора тилининг илмий асосларини ва унинг лотин ёзувига асосланган дактиль алифбосини ишлаб чиқсин ҳамда ушбу ишларга оид илмий-тадқиқот лойиҳалари бўйича грантлар ажратиш учун танловлар ўтказилишини ташкиллаштирсин;

2024 йил 1 июнга қадар ўзбек имо-ишора тилининг лингвистик луғатини, ўзбек имо-ишора тилини ўргатиш бўйича ўқув-методик мажмуалар ва дарсликларни яратсин ҳамда уларнинг электрон ва қоғоз шаклидаги нусхаларини кенг жамоатчилик ўртасида оммалаштирсин;

2024 йил 1 сентябрга қадар ўзбек имо-ишора тилини ривожлантириш ва амалиётга киритиш бўйича дастурни ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

б) Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А. Тошкулов), Халқ таълими вазирлиги (Б. Саидов), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (И. Норкулов):

2023/2024 ўқув йили учун олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрларини шакллантиришда сурдопедагогика ва тифлопедагогика йўналишлари бўйича давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичларини 25 фоизга оширсин;

2023/2024 ўқув йилидан бошлаб сурдопедагогика ва тифлопедагогика йўналишлари бўйича таҳсил олаётган талабалар учун якуний имтиҳонларда имо-ишора тили ва Брайль алифбосини билиш бўйича мажбурий имтиҳонлар ўтказиш амалиётини жорий қилсин;

2024/2025 ўқув йилидан бошлаб босқичма-босқич олий таълим, малака ошириш ва қайта тайёрлаш муассасаларида махсус педагогика таълим йўналишларида таълим олаётганларга ўзбек имо-ишора тилини ўргатиш бўйича модулларни киритсин;

в) Халқ таълими вазирлиги (Б. Саидов):

2024 йил 1 сентябрдан бошлаб «Узлуксиз касбий таълим» махсус электрон платформасида Халқ таълими вазирлигига Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида кар ва заиф эшитувчи болалар учун ихтисослаштирилган таълим муассасаларининг педагог кадрларига ўзбек имо-ишора тилини ўргатиш бўйича қисқа муддатли онлайн ўқув курсларини ташкил қилсин;

2024/2025 ўқув йилидан бошлаб босқичма-босқич лотин ёзувига асосланган ўзбек имо-ишора тилини кар ва заиф эшитувчи болалар учун ихтисослаштирилган таълим муассасаларининг ўқув жараёнига жорий этсин, умумтаълим фанлар бўйича дарсликларнинг имо-ишора тилига ўгирилган видео шаклини яратсин;

2024 йил 1 январга қадар малакали соҳа мутахассисларини жалб қилган ҳолда, кар ва заиф эшитувчи болалар учун ихтисослаштирилган таълим муассасаларида халқаро имо-ишора тилини ўргатиш ҳамда имо-ишора тили-

ни ва Брайль алифбосини билиш даражасини сертификатлаш тизимини жорий қилиш масалаларини ўрганиб чиқсин ҳамда натижаси юзасидан тегишли таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

г) Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги (А. Инаков) Халқ таълими вазирлиги (Б. Саидов), Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н. Хусанов) ҳамда Ўзбекистон карлар жамияти билан биргаликда:

2023 йилдан бошлаб ҳар йили сентябрь ойида Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлигига Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар ҳисобидан «Имо-ишора тили бўйича энг яхши таржимон» танловини ўтказсин ва танлов ғолибларини 1-ўрин учун — базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 баравари, 2-ўрин учун — 65 баравари, 3-ўрин учун — 50 баравари миқдорига тенг бўлган пул мукофотлари билан рағбатлантирсин;

уч ой муддатда имо-ишора тили таржимонларининг иш вақтини меъёрлаштириш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқсин. Бунда, лойиҳаларда таржимонларга ҳар 30 дақиқада танаффус бериш, 1 соатдан узоқ давом этадиган тадбирларга камида икки нафар таржимон жалб қилиш ва уларга тўлиқ иш ҳақи тўлашни назарда тутсин;

2023 йил 1 январга қадар фуқаролар учун имо-ишора тили асосларини мустақил ўрганиш бўйича видеокурслар яратсин ва уларни Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги ва Халқ таълими вазирлигининг расмий веб-сайтларида ҳамда ижтимоий тармоқларда жойлаштирсин;

д) Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (А. Ходжаев) 2024 йил 1 сентябрга қадар ўзбек адабиёти намояндаларининг 50 та энг сара асарлари Брайль алифбосида чоп этилишини ва уларнинг аудио шакллари яратилишини ташкил қилсин;

е) Кинематография агентлиги (Ф. Абдухаликов) 2023 йил 1 июнга қадар камида 50 та миллий фильмни ва жаҳоннинг энг сара 50 та асарини субтитрлаштирсин, шунингдек, миллий кинотеатрларда субтитрлар билан намойиш этиладиган фильмлар сонини оширсин;

ж) Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш. Шерматов) эшитиш ва нутқида нуқсони бўлган шахсларнинг видеомурожаатлар орқали мулоқот қилиш имкониятини кенгайтириш мақсадида телекоммуникация оператор ва провайдерлар билан ушбу шахслар учун имтиёзли тарифларни жорий қилиш юзасидан музокаралар олиб борсин.

6. Давлат бошқаруви органлари:

а) 2023 йил 1 январга қадар:

аҳолига хизмат кўрсатиш йўлга қўйилган бино ва иншоотларни ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий-меҳнат кўникмаларини ҳосил қилишга ва жамиятга уйғунлашувига кўмаклашувчи воситалар (Брайль алифбосидаги маълумотлар акс эттирилган стендлар, видео ва фотосуратлар, маълумотларни бир вақтнинг ўзида текст кўринишида тақдим этадиган видео- ва аудиоматериаллар ҳамда бошқа воситалар) билан таъминласин;

тегишли бино ва иншоотларда ногиронлиги бўлган шахслар мустақил ҳаракатланиши учун қулай шароитларни яратсин;

ўз расмий веб-сайтларида ногиронлиги бўлган шахслар учун жойлашти-

рилган маълумотлар билан эркин танишиш ва хизматлардан фойдаланишга оид қўшимча имкониятлар яратсин;

б) 2023 йил 1 январдан бошлаб:

фавқулодда вазиятлар пайтида жамоатчиликка тақдим этиладиган маълумотлар сурдотаржимаси билан бирга берилишини йўлга қўйсин;

эшитиш ва нутқида нуқсони бўлган шахсларга давлат хизматлардан эркин фойдаланиш имкониятлар яратиш мақсадида, заруратга қараб шартнома асосида сурдотаржимонлар ёки онлайн сурдотаржима хизматларини кўрсатувчи ташкилотларнинг жалб этилишини таъминласин.

7. Белгилансинки, мазкур қарорда назарда тутилган чора-тадбирларни молиялаштириш Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи сифатида тегишли вазирлик ва идораларга ажратиладиган маблағлар доирасида амалга оширилади.

Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги (А. Инаков) Халқ таълими вазирлиги (Б. Саидов), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А. Тошкулов) ҳамда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Л. Кудратов) билан биргаликда кўриш, эшитиш ва нутқида нуқсони бўлган шахсларни қўллаб-қувватлашга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш учун грант маблағларини жалб қилиш чораларини кўрсин.

8. Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги директори А.К. Инаков, халқ таълими вазири Б.О. Саидов, бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири Н.Б. Хусанов ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари белгилансин.

Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Қўчқоров ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси О.Қ. Абдурахманов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2022 йил 20 октябрь,
ПҚ–407-сон

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### 392 Назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятида давлат назоратини ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектлари учун маъмурий ва солиқ юкини янада камайтириш, бизнеснинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2021 йил 15 сентябрдаги ПФ–6314-сон Фармони ҳамда «Тадбиркорлик субъектлари фаолиятида текширувлар ўтказишни мувофиқлаштириш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2022 йил 13 сентябрдаги ПҚ–374-сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагиларни назарда тутувчи:

а) Текширувларни рўйхатга олиш китобини тўлдириш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ:

Текширувларни рўйхатга олиш китобини (кейинги ўринларда — Китобни) юритиш шакллари;

Китобга киритиладиган текширувлар тўғрисидаги маълумотлар ва уларни киритиш тартиби;

Китобни тўлдириш тартибига риоя қилишни мониторинг қилиш ва унинг ҳисобини юритиш;

б) Назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларини тадбиркорлик субъекти фаолиятини текшириш ҳуқуқини бериш юзасидан аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ:

аттестация комиссиясини ташкил этиш ва унинг фаолиятини амалга ошириш;

аттестациядан ўтказиладиган ходимлар рўйхатини шакллантириш;

ходимларни аттестациядан ўтказиш ва унинг натижаси бўйича аттестация комиссияси қарорини қабул қилиш;

аттестациядан ўтган ходимга тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш ҳуқуқини берувчи махсус гувоҳнома бериш;

в) Назорат қилувчи органларнинг «хавфни таҳлил этиш» тизимларига қўйиладиган минимал талаблар 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

тадбиркорлик субъектлари фаолиятида хавф даражасини таҳлил қилишга доир умумий талаблар;

---

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 19 октябрда эълон қилинган.

хавф даражасининг таҳлили давомида ўрганиладиган маълумотлар тоифалари;

хавф даражаларининг таснифи ва уларни мезонлашга доир талаблар;

таснифланган хавф даражалари доирасида амалга ошириладиган тадбирлар.

2. Назорат қилувчи органлар бир ой муддатда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахсларнинг электрон реестрини шакллантириш учун мазкур қарор қабул қилингунга қадар белгиланган тартибда аттестациядан ўтказилган ва тадбиркорлик субъектларини текшириш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахслар тўғрисидаги маълумотларни «Ягона давлат назорати» ахборот тизимига киритсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 4-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Манфаатдор вазирлик ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари — иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг**
**Бош вазири** **А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,
2022 йил 19 октябрь,
611-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил 19 октябрдаги 611-сон қарорига
1-ИЛОВА

## Текширувларни рўйхатга олиш китобини тўлдириш тартиби тўғрисида НИЗОМ

### 1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Текширувларни рўйхатга олиш китобини тўлдириш ва юритиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**ваколатли орган** — Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан тадбиркорлик субъекти фаолиятини текширишни мувофиқлаштирувчи ҳамда назорат қилувчи орган томонидан тадбиркорлик субъекти фаолиятини текшириш қонунийлигини назорат қилиш ваколати берилган ташкилот;

**Давлат назорати тизими** — тадбиркорлик соҳасида давлат назорати

билан боғлиқ катта ҳажмдаги маълумотларни йиғиш, таҳлил қилиш ва қайта ишлаш имконини берувчи «Ягона давлат назорати» ахборот тизими;

**назорат қилувчи орган** — тадбиркорлик субъектлари фаолиятини давлат томонидан назорат қилишга қонунчилик билан ваколат берилган вазирлик, идора, уларнинг тизимидаги бўлинмалар ва бошқа ташкилотлар;

**назорат қилувчи орган мансабдор шахси** — вақтинча ёки махсус ваколат бўйича тадбиркорлик субъекти фаолиятини назорат қилувчи, тадбиркорлик субъектида юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни содир этувчи ҳамда маъмурий ёки суд органларида мазкур вазифаларни амалга оширувчи шахс;

**тадбиркорлик субъекти** — белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахслар;

**Текширувларни рўйхатга олиш китоби** — ўтказилган текширувлар тўғрисидаги ахборот ёзиб қўйиладиган электрон шаклидаги махсус китоб;

**текширув** — тадбиркорлик субъекти томонидан фаолиятни тартибга солувчи қонунчиликка қай даражада риоя этилаётганлигини керакли материаллар, ҳужжатлар ёки уларнинг фаолиятига доир маълумотларни олиш ҳамда муайян ҳаракатларни амалга ошириш орқали ўтказиладиган назорат қилиш тадбири.

3. Текширувларни рўйхатга олиш китобининг юритилишидан мақсад:

назорат қилувчи орган фаолиятида қонунийлик, холислик ва ошкораликни таъминлаш;

тадбиркорлик субъектининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;

тадбиркорлик субъектининг фаолиятига ноқонуний аралашувларга чек қўйиш;

давлат томонидан назорат қилиш тизимининг ҳисобдорлиги ва шаффофлигини таъминлаш.

4. Тадбиркорлик субъекти фаолиятида ўтказиладиган барча текширишлар Давлат назорати тизимига киритилади.

5. Текширувларни рўйхатга олиш китоби тадбиркорлик субъекти томонидан электрон шаклида юритилади.

Текширувларни рўйхатга олиш китобининг электрон шакли Давлат назорати тизимида тадбиркорлик субъекти томонидан рўйхатдан ўтиш орқали юритилади.

6. Текширувларни рўйхатга олиш китобининг электрон шакли мажбурий тартибда тўлдирилади.

7. Текширувларни рўйхатга олиш китобининг электрон шакли бевосита тадбиркорлик субъектида тўлдирилади.

Текширувларни рўйхатга олиш китобининг электрон шаклига Давлат назорати тизимининг веб-саҳифаси ёки махсус мобиль илова орқали киритилади.

8. Текширувларни рўйхатга олиш китобида тадбиркорлик субъектининг тўлиқ номи, жойлашган жойи (почта манзили), унга берилган солиқ тўловчининг идентификация рақами ёки жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами тўғрисидаги маълумотлар бўлиши лозим.

9. Белгиланган тартибда давлат сирлари ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирларни ташкил этувчи маълумотлар Текширувларни рўйхатга олиш китобига киритилмайди.

10. Текширувларни рўйхатга олиш китоби мазкур Низомга иловадаги* схемага мувофиқ тўлдирилади.

## 2-боб. Текширувларни рўйхатга олиш китобига текширишлар ҳақидаги ёзувларни киритиш

11. Текшириш бошланишидан олдин тадбиркорлик субъекти раҳбари (тадбиркорлик субъекти раҳбари бўлмаган тақдирда — унинг вазифасини бажарувчи шахс) назорат қилувчи органнинг мансабдор шахсига Текширувларни рўйхатга олиш китобини тўлдириш учун электрон шаклини тақдим этади.

12. Назорат қилувчи органнинг мансабдор шахси текшириш бошланишидан олдин қонунчиликка мувофиқ тадбиркорлик субъектининг раҳбарини (тадбиркорлик субъекти раҳбари бўлмаган тақдирда — унинг вазифасини бажарувчи шахсни) текшириш мақсади ва шартлари билан таништириши, қонунчиликда белгиланган ҳужжатларни тақдим этиши, Текширувларни рўйхатга олиш китобининг тегишли бўлинмаларига ёзувлар киритиши лозим.

13. Тадбиркорлик субъекти раҳбари (тадбиркорлик субъекти раҳбари бўлмаган тақдирда — унинг вазифасини бажарувчи шахс) Текширувларни рўйхатга олиш китобига киритилган маълумотларни текширувчи мансабдор шахс томонидан қонунчиликка мувофиқ тақдим этилган ҳужжатлардаги маълумотлар билан таққослашга ҳақли.

14. Назорат қилувчи органнинг мансабдор шахси текшириш бошланишига кадар Текширувларни рўйхатга олиш китобининг электрон шаклига қуйидаги маълумотларни киритиши лозим:

Давлат назорати тизимида рўйхатдан ўтказилган текшириш рақами;

текширув ўтказаётган назорат қилувчи орган номи;

назорат қилувчи орган мансабдор шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми, агар текширувчи мансабдор шахслар бир нечта бўлганда, улар тўғрисида ҳам маълумотлар;

назорат қилувчи орган мансабдор шахсининг махсус гувоҳномаси рақами, агар киритилган махсус гувоҳнома рақами Давлат назорати тизимидаги маълумотлар билан тўғри келмаган тақдирда, тадбиркорлик субъектида ушбу мансабдор шахс томонидан текширув ўтказилишига йўл қўйилмайди;

текширув ўтказилаётган тадбиркорлик субъектининг манзили;

текширув ўтказиш учун асос бўлган буйруқ рақами ва санаси;

текширув тури, бунда Давлат назорати тизимида мавжуд бўлган текшириш тури ва унинг махсус коди;

текширув муддати;

текширувга аудитор ва экспертлар жалб қилинган тақдирда, жалб қилинган аудитор ва экспертларнинг исми, фамилияси, отасининг исми, иш жойи, фаолият йўналиши, уни жалб қилишга асос бўлган шартнома рақами ва санаси.

---

* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Текширув бир нечта назорат қилувчи орган томонидан ўтказилганда, бошқа назорат қилувчи орган томонидан ҳам ушбу бандда кўрсатилган маълумотлар киритилиши лозим.

Текширувларни рўйхатга олиш китобининг электрон шаклига киритилган маълумотлар тегишли равишда тасдиқлангандан сўнг уларни ўзгартириш имконияти мавжуд эмас, текширувга жалб қилинган аудитор ва экспертлар тўғрисидаги маълумотлар бундан мустасно.

15. Тадбиркорлик субъекти раҳбари (тадбиркорлик субъекти раҳбари бўлмаган тақдирда — унинг вазифасини бажарувчи шахс) текширув якунлангандан сўнг Текширувларни рўйхатга олиш китобининг электрон шаклига қуйидаги маълумотларни киритади:

текширув бошланган сана;

текширув тугаган сана;

ўтказилган текширувнинг давомийлиги;

текширув жараёнида талаб қилиб олинган ҳужжатлар;

текширув жараёнида қўлланилган таъсир чоралар (ёзма кўрсатма, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома, молиявий ва иқтисодий жарималарни қўллаш тўғрисида қарорлар ва суд қарорлари);

текширувда учинчи шахслар қатнашганлиги тўғрисида маълумот (тадбиркорлик субъектининг сўрови асосида жалб этилган Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва тадбиркорлик субъекти аъзо бўлган бирлашмаларнинг вакиллари, шартнома асосида жалб қилинган солиқ маслаҳатчилари, таржимон ва адвокатлар).

Тадбиркорлик субъекти Текширувларни рўйхатга олиш китобининг электрон шаклига фаолиятида ўтказилган текшириш бўйича баҳо бериши ҳамда текширув жараёнида коррупция ҳолатлари ҳақида хабар бериши мумкин.

16. Текширувчи мансабдор шахс Текширувларни рўйхатга олиш китобини тўлдиришдан бош тортса ёки мазкур Низомда кўрсатилган маълумотларни таққослаш натижасида тафовутлар аниқланган тақдирда, текширувчи мансабдор шахс текширишга қўйилмайди. Бунда тадбиркорлик субъекти раҳбари (тадбиркорлик субъект раҳбари бўлмаган тақдирда — унинг вазифасини бажарувчи шахс) Ваколатли органга мурожаат этишга ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар беришга ҳақли.

## 3-боб. Якунловчи қоидалар

17. Тадбиркорлик субъектининг фаолиятига ноқонуний аралашишларнинг олдини олиш мақсадида назорат қилувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан Текширувларни рўйхатга олиш китобини тўлдириш тартибига риоя қилинаётганлиги бўйича мониторинг ваколатли орган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси томонидан амалга оширилади.

18. Ваколатли орган Текширувларни рўйхатга олиш китобининг ҳисобини Давлат назорати тизимида юритади.

19. Назорат ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг мансабдор шахс-

лари томонидан мазкур Низом талабларига риоя этмаслик ҳолати тадбиркорлик субъекти фаолиятини текшириш тартибини бузиш деб баҳоланади.

20. Мазкур Низомнинг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил 19 октябрдаги 611-сон қарорига
2-ИЛОВА

## Назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларини тадбиркорлик субъекти фаолиятини текшириш ҳуқуқини бериш юзасидан аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

### 1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларини тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш ҳуқуқини бериш юзасидан аттестациядан (кейинги ўринларда — Аттестация) ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**ваколатли орган** — Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан тадбиркорлик субъекти фаолиятини текширишни мувофиқлаштирувчи ҳамда назорат қилувчи орган томонидан тадбиркорлик субъекти фаолиятини текшириш қонунийлигини назорат қилиш ваколати берилган ташкилот;

**давлат назорати тизими** — тадбиркорлик соҳасида давлат назорати билан боғлиқ катта ҳажмдаги маълумотларни йиғиш, таҳлил қилиш ва қайта ишлаш имконини берувчи «Ягона давлат назорати» ахборот тизими;

**назорат қилувчи орган** — тадбиркорлик субъекти фаолиятини давлат томонидан назорат қилишга қонунчилик билан ваколат берилган вазирлик, идора, уларнинг тизимидаги бўлинмалар ва бошқа ташкилотлар;

**назорат қилувчи орган мансабдор шахси** — вақтинча ёки махсус ваколат бўйича тадбиркорлик субъекти фаолиятини назорат қилувчи, тадбиркорлик субъектида юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни содир этувчи ҳамда маъмурий ёки суд органларида мазкур вазифаларни амалга оширувчи шахс;

**тадбиркорлик субъекти** — белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахслар.

3. Аттестация назорат қилувчи органнинг тадбиркорлик субъекти фаолиятини текширувчи мансабдор шахсларининг (кейинги ўринларда — мансабдор шахс) малакаси ва профессионаллик даражасини баҳолаш, шунингдек, уларнинг назорат органи фаолиятига ҳамда тадбиркорлик субъекти фаолиятини текширишга тааллуқли қонунчилик талабларига риоя этилиши учун масъулиятини ошириш мақсадида ўтказилади.

4. Қонунийлик, мажбурийлик, ошкоралик, холислик ва коллегиаллик Аттестацияни ўтказишнинг асосий тамойиллари ҳисобланади.

5. Аттестациядан ўтиши керак бўлган мансабдор шахслар сони қонунчилик билан назорат қилувчи орган ҳамда унинг мансабдор шахсларига қўйилган талаблардан келиб чиқиб, ҳар бир назорат қилувчи орган томонидан аниқланади.

6. Мансабдор шахслар Аттестациядан назорат қилувчи орган томонидан уч йилда камида бир марта ушбу Низомга 1-иловага* мувофиқ схема бўйича ўтказилади.

7. Қуйидагилар Аттестациянинг асосий вазифалари ҳисобланади:

юқори малакага эга ва масъулиятли мансабдор шахслар тоифасини аниқлаш;

мансабдор шахсларнинг касб тайёргарлигини, уларни қайта тайёрлаш ёки малакасини ошириш зарурлигини аниқлаш;

тадбиркорлик субъекти фаолиятида профилактика тадбирларини амалга оширишни ташкил этиш ва текширувлар қонунчилик талаблари асосида ўтказилишини таъминлаш;

тадбиркорлик субъекти фаолиятини текшириш жараёнида коррупция ҳолатларини бартараф этиш, манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик ва қонунийликни таъминлаш.

## 2-боб. Аттестация комиссиясининг фаолиятини ташкил этиш

8. Аттестация назорат қилувчи орган раҳбарининг буйруғи асосида ташкил этиладиган ва беш кишидан иборат бўлган Аттестация комиссияси томонидан ўтказилади.

Аттестация комиссияси раис, котиб ва комиссия аъзоларидан ташкил топади. Бунда Аттестация комиссиясининг раиси ушбу Низомнинг 9-бандига мувофиқ белгиланади. Комиссия таркиби назорат қилувчи органнинг тадбиркорлик субъекти фаолиятини текшириш мажбуриятига кирмайдиган шахслардан шакллантирилади.

Назорат қилувчи орган раҳбарининг буйруғи билан унинг ҳудудий бўлинмаларида ҳудудий ёки ҳудудлараро Аттестация комиссиялари ташкил этилади. Бунда назорат қилувчи органнинг ҳудудий бўлинмаси бошлиги ҳудудий ёки ҳудудлараро Аттестация комиссиялари раиси ҳисобланади.

Назорат қилувчи органнинг юридик шахс мақомига эга бўлган ҳудудий бўлинмалари мавжуд бўлмаган тақдирда, Аттестация республика комиссияси томонидан ўтказилади.

9. Аттестация комиссияси таркиби комиссия раиси ва 4 нафар комиссия аъзоларидан иборат бўлиши лозим. Комиссия таркиби 2 нафар назорат қилувчи орган ва 1 нафардан ваколатли орган, Савдо-саноат палатаси ва тадбиркорлик субъекти вакилларидан шакллантирилади.

Назорат қилувчи орган ёки унинг юридик шахс мақомига эга бўлган

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

тегишли ҳудудий бўлинмаси раҳбари (раҳбари ўринбосари) Аттестация комиссияси раиси ҳисобланади.

Аттестация комиссияси тўғрисидаги маълумотлар назорат қилувчи органнинг расмий веб-саҳифасида жойлаштирилиши лозим.

10. Ҳудудий ёки ҳудудлараро Аттестация комиссия таркиблари ушбу Низомнинг 9-бандида кўрсатилган идораларнинг ҳудудий бўлинмалари вакилларидан шакллантирилади.

11. Аттестация комиссияси ўз фаолиятини доимий равишда амалга оширади, унинг фаолиятини ташкил этиш Аттестация комиссиясининг ишчи органи томонидан таъминланади.

Назорат қилувчи органнинг кадрлар билан ишловчи таркибий бўлинмаси ишчи орган функциясини бажаради ва унинг вакили Аттестация комиссиясининг котиби ҳисобланади.

Ишчи орган қуйидаги функцияларни бажаради:

назорат қилувчи органнинг тегишли тузилмаси билан биргаликда Аттестацияни ўтказиш учун зарур ҳужжатларни тайёрлайди;

Аттестацияни ўтказиш учун мансабдор шахслар рўйхатини тузади ва Аттестация комиссиясига тақдим этади;

Аттестацияни ўтказиш учун саволлар рўйхатини тайёрлайди ҳамда келишиш учун Комиссия аъзоларига юборилишини таъминлайди;

Аттестация ўтказиладиган сана ва жой тўғрисида Комиссия аъзолари билан келишади ҳамда бу ҳақда мансабдор шахсларга хабар қилади;

манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликни таъминлайди;

Аттестация комиссияси тўғрисидаги маълумотларни веб-саҳифага жойлаштириш чораларини кўради;

ушбу Низомга мувофиқ Аттестация комиссиясининг иши ҳамда қарорлари ижроси билан боғлиқ бошқа масалаларни ҳал этади.

12. Аттестация комиссияси Аттестацияни ўтказишда:

Аттестациядан ўтаётган мансабдор шахс ҳақида қисқача ахборотни эшитади;

Аттестациядан ўтаётган мансабдор шахсга саволлар беради;

Аттестация якунлари бўйича очиқ овоз беришни ўтказади;

Аттестациядан ўтаётган мансабдор шахс фаолиятини яхшилаш бўйича тавсиялар беради;

тадбиркорлик субъекти фаолиятини текшириш ҳуқуқини бериш тўғрисида қарор қабул қилади;

мансабдор шахсга аввал берилган тадбиркорлик субъекти фаолиятини текшириш ҳуқуқини берувчи махсус гувоҳномани бекор қилиш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқади ва тегишли қарор қабул қилади;

Аттестацияни ўтказишга тегишли бошқа вазифаларни ҳал этади.

13. Аттестация комиссияси Аттестация ошкора, холисона ва адолатли ўтказилиши учун жавоб беради.

## 3-боб. Аттестацияни ўтказиш

14. Назорат қилувчи орган раҳбари ваколатли орган билан келишил-

ган, Аттестациядан ўтиши керак бўлган мансабдор шахслар рўйхатини тасдиқлайди ва Аттестацияни ўтказиш ҳақида буйруқ чиқаради.

15. Аттестациядан ўтиши керак бўлган мансабдор шахслар рўйхатига тадбиркорлик субъекти фаолиятини текшириш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахслар (махсус гувоҳноманинг амал қилиш муддати тугаган ёки шу ой мобайнида тугайдиган) ва бундай ҳуқуқни олишга тавсия қилинган, камида икки йиллик меҳнат стажига эга бўлган мансабдор шахслар киритилади.

Ушбу рўйхатга олдин тадбиркорлик субъекти фаолиятини текшириш ҳуқуқини олган, бироқ тадбиркорлик субъекти фаолиятини текшириш билан боғлиқ бўлмаган лавозимга тайинланган мансабдор шахслар, шунингдек, тадбиркорлик субъекти фаолиятини текшириш соҳасида қонунчилик бузилиши муносабати билан бундай ҳуқуқдан маҳрум этилган мансабдор шахслар киритилмайди.

16. Аттестацияни ўтказиш муддати бўйича назорат қилувчи органнинг раҳбари томонидан мансабдор шахсларнинг тадбиркорлик субъекти фаолиятини текшириш ҳуқуқининг амал қилиши муддати тугаши, назорат қилувчи органнинг тузилмаси, штат бирлиги ўзгариши, кадрлар қўнимсизлиги ва бошқа омиллар инобатга олинган ҳолда ташаббус кўрсатилади.

17. Назорат қилувчи органнинг тегишли тузилмаси раҳбари томонидан ишчи органга Аттестациядан ўтиши керак бўлган ҳар бир мансабдор шахс тўғрисида хизмат тавсифномаси тақдим этилади.

Аттестациядан ўтказиладиган мансабдор шахс Аттестациядан камида икки ҳафта олдин Аттестацияни ўтказиш тўғрисидаги буйруқ билан имзо қўйдирилган ҳолда таништирилиши керак.

18. Аттестация комиссиясининг йиғилиши Аттестация комиссияси тасдиқлаган таркибнинг тўртдан уч қисми қатнашса, ваколатли ҳисобланади.

19. Аттестация Аттестациядан ўтаётган мансабдор шахс билан савол-жавоб шаклида ўтказилади.

20. Аттестациядан ўтишда Аттестациядан ўтказилувчиларга электрон мосламалардан, маълумотнома, махсус ёки бошқа адабиётлардан, шунингдек, ҳар қандай ёзувлардан фойдаланиш ман этилади. Кўрсатилган талаблар бузилган ҳолларда, Аттестациядан ўтказилувчилар Аттестациядан четлатилади ва Аттестациядан ўтмаган деб ҳисобланади.

21. Комиссия йиғилишида бегона шахсларнинг иштирок этишига рухсат берилмайди.

22. Аттестация қоида тариқасида назорат қилувчи орган белгилаган жойда ўтказилади. Назорат қилувчи орган Аттестация жараёни реал вақт режимида (онлайн) кузатиб борилишини таъминлаши лозим. Комиссия аъзолари Аттестацияда зарурат вужудга келган тақдирда видео-конференция алоқа воситалари орқали иштирок этиши мумкин.

23. Аттестация комиссияси котиби ҳар бир Аттестациядан ўтказилувчи мансабдор шахс ҳақидаги маълумотномани Аттестация ўтказиш санасидан камида бир ҳафта олдин комиссияга тақдим этади.

24. Аттестация ўтказилишидан камида 15 кун олдин Аттестация комиссияси билан келишилган ҳолда, ишчи орган томонидан саволлар

рўйхати тузилади, ушбу рўйхат Аттестация комиссияси раиси томонидан тасдиқланади.

Рўйхатга мажбурий равишда тадбиркорлик субъекти фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга боғлиқ саволлар ва вазиятли вазифалар — тадбиркорлик субъекти фаолиятини текшириш вақтида содир бўладиган ва/ёки содир бўлиши мумкин бўлган вазиятлар ҳамда тегишли тадбиркорлик субъекти томонидан қонунни бузиш хавфи даражасидан келиб чиқиб, текшириш ташаббуси билан чиқишни назарда тутувчи «хавфни таҳлил этиш» тизимига оид саволлар киритилиши шарт.

25. Ҳар бир Аттестациядан ўтувчи мансабдор шахсга икки нусхада ушбу Низомга 2-иловага* мувофиқ Аттестация варақаси тузилади.

26. Аттестация комиссияси томонидан Аттестациядан ўтувчи мансабдор шахс ҳақидаги тавсифнома ва саволларга берилган жавобларни инобатга олган ҳолда, ҳар бир Аттестациядан ўтувчи мансабдор шахсга нисбатан очиқ овоз бериш йўли билан алоҳида қарор қабул қилинади. Қарор Аттестацияда иштирок этган Аттестация комиссияси аъзоларининг кўпчилиги овоз берганда, қабул қилинган деб ҳисобланади. Аттестация комиссияси аъзоларининг овозлари тенг бўлган тақдирда, Аттестация комиссияси раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

27. Аттестация натижаси бўйича Аттестация комиссияси қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

мансабдор шахс Аттестациядан ўтди;

мансабдор шахс Аттестациядан ўтмади.

Аттестация комиссияси аъзолари овоз бериш жараёнида бетараф қолиши мумкин эмас.

28. Аттестация комиссиясининг қарори овоз бериш жараёни тугаши билан эълон қилинади ва Аттестация қатнашчилари Аттестация варақаларига имзо чекишади.

29. Аттестация якуни бўйича Аттестация комиссияси томонидан қабул қилинган қарор Аттестация комиссияси раиси, котиби ҳамда аъзолари томонидан имзоланадиган Аттестация варақасига киритилади.

Агар Аттестациядан ўтказилувчи ўзининг Аттестация варақасини имзолашга рози бўлмаса, бу ҳақда тегишли белги қўйилади.

Аттестация варақасининг иккинчи нусхаси Аттестация ўтказилгандан кейин бир кун муддатда Аттестациядан ўтган мансабдор шахсга имзо қўйдирилган ҳолда тақдим этилади.

30. Аттестация якунлари бўйича икки кун муддатда баённома тузилади. Баённомада Аттестация ўтказилган сана ва жой, Аттестация комиссиясининг қарори кўрсатилади ҳамда Аттестация варақалари илова қилинади. Баённома Аттестация комиссияси раиси ва котиби томонидан имзоланади.

31. Аттестациядан ўтган мансабдор шахсга Аттестация комиссияси томонидан белгиланадиган Аттестацияни ўтказиш даврийлиги муддатига тадбиркорлик субъекти фаолиятини текшириш ҳуқуқи берилади.

32. Аттестацияга узрли сабабларга кўра (касаллиги, хизмат сафарида

---

* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

бўлганлиги ва бошқа сабаблар туфайли) келмаган мансабдор шахслар Аттестация комиссиясининг кейинги йиғилишига қўйиладиган ходимлар рўйхатига киритилади.

33. Аттестация комиссияси томонидан Аттестациядан ўтмаган деб ҳисобланган мансабдор шахс такрорий Аттестацияга камида олти ойдан кейин қўйилиши мумкин.

34. Аттестациядан ўтмаган мансабдор шахсга тадбиркорлик субъекти фаолиятини текшириш ман этилади. Назорат қилувчи орган раҳбари мазкур мансабдор шахсни унинг розилиги билан тадбиркорлик субъекти фаолиятини текшириш билан боғлиқ бўлмаган лавозимга ўтказиши мумкин.

35. Тадбиркорлик субъекти фаолиятини текшириш даврида мансабдор шахс томонидан қонун бузилиш ҳолатларига йўл қўйган ва/ёки қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилган бўлса, унга берилган ҳуқуқ Аттестация комиссияси томонидан бекор қилинади.

Аттестация комиссияси томонидан тадбиркорлик субъекти фаолиятини текшириш ҳуқуқи бекор қилинган мансабдор шахс қайта Аттестацияга камида бир йилдан кейин қўйилиши мумкин.

## 4-боб. Назорат қилувчи орган мансабдор шахсларининг электрон реестрини шакллантириш ва юритиш

36. Назорат қилувчи орган мансабдор шахсларининг электрон реестри Давлат назорати тизимида назорат қилувчи орган томонидан шакллантирилади ва ваколатли орган томонидан юритилади.

37. Аттестация натижаларига асосан ишчи орган назорат қилувчи орган мансабдор шахсларининг қуйидаги маълумотларини Давлат назорати тизимига киритади:

назорат қилувчи орган номи;

назорат қилувчи органнинг Аттестация ўтказилган бўлинмаси номи;

Аттестацияни ўтказиш санаси;

Аттестация комиссиясининг баённома нусхаси;

Аттестациядан муваффақиятли ўтган тадбиркорлик субъекти фаолиятини текшириш ҳуқуқига эга мансабдор шахсларнинг исми, фамилияси, отасининг исми, лавозими, махсус гувоҳномасининг амал қилиш муддати, паспорти серияси, рақами, қачон ва ким томонидан берилганлиги, жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами;

Аттестациядан ўта олмаган ходимларнинг исми, фамилияси, отасининг исми, лавозими, паспорти серияси, рақами, қачон ва ким томонидан берилганлиги, жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами.

38. Аттестация якунлари бўйича тегишли баённома расмийлаштирилгандан сўнг ушбу Низомнинг 37-бандида кўрсатилган маълумотлар Давлат назорати тизимига бир иш кунида киритилиши лозим.

39. Ваколатли орган назорат қилувчи орган томонидан Давлат назорати тизимига киритилган маълумотларнинг ишончлилиги ва тўлиқлилигини уч иш кунида текширади.

Давлат назорати тизимига киритилган маълумотлар тўлиқ бўлмаган ёки

Аттестация натижаларига номувофиқ бўлган тақдирда, ваколатли орган томонидан ушбу маълумотлар қайта кўриб чиқиш учун назорат қилувчи органга қайтарилади.

40. Назорат қилувчи орган томонидан Давлат назорати тизимига киритилган маълумотлар ваколатли орган томонидан тасдиқлангандан сўнг Аттестациядан муваффақиятли ўтган мансабдор шахсларга автоматлаштирилган тарзда тартиб рақами берилади.

Давлат назорати тизимида ҳар бир мансабдор шахсга берилган тартиб рақам уларга бериладиган тадбиркорлик субъекти фаолиятини текшириш ҳуқуқини берувчи махсус гувоҳноманинг рақами ҳисобланади.

## 5-боб. Тадбиркорлик субъекти фаолиятини текшириш ҳуқуқини берувчи махсус гувоҳнома

41. Аттестация комиссияси томонидан Аттестациядан ўтган мансабдор шахсга ушбу Низомга 3-иловага* мувофиқ махсус гувоҳнома берилади.

42. Махсус гувоҳнома бланкаларини тайёрлаш, бериш, сақлаш ва ҳисобини олиб бориш назорат қилувчи органнинг маблағлари ҳисобидан, мансабдор шахсларнинг хизмат гувоҳномалари учун белгиланган тартиб ҳамда ушбу Низомнинг 40-банди талаблари бўйича амалга оширилади.

43. Махсус гувоҳнома йўқотилган ёки фойдаланиш учун яроқсиз ҳолатга келган ҳолларда, мансабдор шахснинг мурожаати асосида назорат қилувчи орган ёки унинг ҳудудий бўлинмасининг буйруғи билан унга дубликат берилиши мумкин.

Мансабдор шахсга янги махсус гувоҳнома беришда унга «Дубликат» белгиси қўйилади. Қайта расмийлаштириш ва махсус гувоҳнома дубликатини бериш учун Аттестациядан ўтиш талаб этилмайди.

44. Назорат қилувчи органнинг тадбиркорлик субъекти фаолиятини текшириш ҳуқуқига эга бўлган, ушбу назорат қилувчи органнинг тадбиркорлик субъекти фаолиятини текшириш билан боғлиқ бошқа лавозимига ўтган мансабдор шахсига дастлаб берилган махсус гувоҳноманинг амал қилиши муддатига янги лавозими кўрсатилган ҳолда янги махсус гувоҳнома берилади.

45. Мансабдор шахс билан меҳнат шартномаси бекор қилинганда ёки у тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш билан боғлиқ бўлмаган лавозимга ўтганда, махсус гувоҳнома ишчи органга қайтарилиши шарт.

Ишчи орган махсус гувоҳномани қайтариб олган кундан эътиборан бир иш куни мобайнида бу ҳақда ваколатли органни хабардор қилиши лозим. Бунда ваколатли орган Давлат назорати тизимидаги назорат қилувчи орган мансабдор шахсларининг электрон реестрида меҳнат шартномаси бекор қилинган ёки тадбиркорлик субъекти фаолиятини текшириш билан боғлиқ бўлмаган лавозимга ўтган мансабдор шахс тўғрисидаги маълумотларга тегишли ўзгартириш киритади.

---

* 3-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

## 6-боб. Якунловчи қоидалар

46. Аттестацияни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ харажатлар тегишли назорат қилувчи орган маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

47. Аттестация ўтказиш билан боғлик ушбу Низомда белгиланмаган масалалар Аттестация комиссияси томонидан овоз бериш орқали ҳал этилиши мумкин.

48. Аттестация комиссиясининг қарори юзасидан белгиланган тартибда юқори турувчи органга ёки судга шикоят қилиниши мумкин.

49. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил 19 октябрдаги 611-сон қарорига
3-ИЛОВА

# Назорат қилувчи органларнинг «хавфни таҳлил этиш» тизимларига қўйиладиган МИНИМАЛ ТАЛАБЛАР

## 1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур минимал талаблар назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектларининг қонунни бузиш хавфи даражасидан келиб чиқиб, текширувни ташаббус қилишни назарда тутувчи «хавфни таҳлил этиш» тизимини ишлаб чиқишга доир минимал талабларни белгилайди. Ушбу минимал талаблар божхона органлари томонидан божхона назоратини амалга оширишда қўлланиладиган хавфни бошқариш тизимига нисбатан татбиқ этилмайди.

2. Мазкур минимал талабларда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**ваколатли орган** — Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан тадбиркорлик субъекти фаолиятини текширишни мувофиқлаштирувчи ҳамда назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъекти фаолиятини текшириш қонунийлигини назорат қилиш ваколати берилган ташкилот;

**назорат қилувчи орган** — тадбиркорлик субъекти фаолиятини давлат томонидан назорат қилишга қонунчилик билан ваколат берилган вазирлик, идора, уларнинг тизимидаги бўлинмалар ва бошқа ташкилотлар;

**тадбиркорлик субъекти** — белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахслар;

**текширув** — тадбиркорлик субъекти томонидан фаолиятни тартибга солувчи қонунчиликка қай даражада риоя этилаётганлигини керакли материаллар, ҳужжатлар ёки уларнинг фаолиятига доир маълумотларни олиш ҳамда

муайян ҳаракатларни амалга ошириш орқали ўтказиладиган назорат қилиш тадбири;

**«хавфни таҳлил этиш» тизими** — назорат қилувчи органлар томонидан тегишли назорат соҳаси бўйича аниқ мезонларга асосланиб, тадбиркорлик субъекти томонидан ўз фаолиятида қонунчилик бузилиш хавфи даражасини аниқлаш механизми.

3. Мазкур минимал талаблар назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъекти фаолиятида «хавфни таҳлил этиш» тизимини ишлаб чиқишда инобатга олиниши мажбурийдир.

4. Ишлаб чиқилган «хавфни таҳлил этиш» тизими асосида аниқланган ҳуқуқбузарлик хавфи қай даражада бўлишидан қатъи назар, тадбиркорлик субъектига нисбатан таъсир чораларини қўллашга асос бўла олмайди.

5. Минимал талабларга зид бўлган «хавфни таҳлил этиш» тизимлари тадбиркорлик субъектида текширув ўтказиш ташаббуси билан чиқишга асос бўлмайди.

## 2-боб. Хавф даражасини таҳлил қилишга доир умумий талаблар

6. Тадбиркорлик субъектининг қонунни бузиш хавфи даражасини таҳлил қилиш жараёни тадбиркорлик субъекти фаолиятини тўхтатиб туриш, унга тўсқинлик қилиш ёки фаолиятини амалга оширишга тўғридан-тўғри аралашишни назарда тутувчи хатти-ҳаракатларни ўз ичига олмаслиги зарур.

7. Хавф даражасининг таҳлили қуйидаги маълумотларни ўрганиш асосида амалга оширилиши мумкин:

маъмурий маълумотлар (лицензия, рухсат этувчи ва давлат органларида мавжуд бошқа ҳужжатлар);

даврий статистика маълумотлари, жумладан, аввал ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланган тадбиркорлик субъектини умумлаштирувчи белгилар, хабарлар ва бошқа корреляцион таҳлил натижалари;

юридик ва жисмоний шахслардан келиб тушган мурожаатлар;

оммавий ахборот воситаларидан ёки бошқа ташқи манбалардан (ижтимоий тармоқлар, веб-сайтлар) олинган маълумотлар;

назорат хариди натижалари асосида аниқланган камчиликларнинг таҳлили;

қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалардан ва тадбиркорлик субъектининг одатий фаолиятига бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатмаган ҳолда, давлат органлари ва бошқа ташкилотлардан олиниши мумкин бўлган бошқа маълумотлар.

8. Хавф даражаси таҳлили жараёнида тадбиркорлик субъектидан ҳужжатлар ва ахборотлар талаб қилинишига йўл қўйилмайди.

9. Хавф даражаси таҳлили назорат қилувчи орган томонидан бир йилда камида бир маротаба амалга оширилиши лозим.

10. Хавф даражаси таҳлили назорат қилувчи органнинг назорат ваколати доирасида фаолият кўрсатувчи тадбиркорлик субъектида ўтказилади.

Назорат қилувчи органнинг назорат ваколатига кирмайдиган тадбиркорлик субъекти фаолиятини таҳлил қилиш ва баҳолаш тақиқланади.

## 3-боб. Хавф даражалари таснифи ва уларни мезонлашга доир талаблар

11. Хавф даражасини баҳолаш ўрганиладиган маълумотлар асосида шакллантирилган кўрсаткичлар ва мезонларга тадбиркорлик субъекти фаолиятининг мувофиқлигини «балл» тизими асосида баҳолаш орқали амалга оширилади.

12. Баҳолаш жараёни ўрганиладиган маълумотлар асосида тадбиркорлик субъекти фаолиятида ҳуқуқбузарлик аломатлари ҳақида хабар берувчи энг камида 5 та асосий кўрсаткични ўз ичига олиши шарт.

13. Ҳар бир асосий кўрсаткичнинг баҳоси ушбу кўрсаткич остидаги суб-кўрсаткичлар баҳосининг йиғиндисидан келиб чиқади. Ҳар бир асосий кўрсаткичларнинг баҳоси ушбу кўрсаткичларнинг муҳимлик даражасидан келиб чиққан ҳолда бир-биридан фарқ қилиши мумкин.

14. Ҳар бир асосий кўрсаткич камида 5 та аниқлаштирувчи суб-кўрсаткични ўз ичига олган бўлиши лозим.

15. Суб-кўрсаткичларни баҳолашда қай ҳолларда неча балл баҳо берилишини аниқ кўрсатувчи мезонлар белгиланиши шарт. Мезонларни белгилашда ноаниқ ёки маълум бир сонлар оралиғида танлаш ҳуқуқини берувчи қоидаларни ишлатиш тақиқланади. Баҳолаш мезонлари аниқ ҳолат учун аниқ баҳони назарда тутиши лозим.

16. Баҳолаш жараёни қуйидаги тартибда амалга оширилиши лозим:

мезонлар асосида суб-кўрсаткичларни баҳолаш, ҳар бир суб-кўрсаткич баҳосини белгилаш;

суб-кўрсаткичларнинг баҳосини умумлаштириш орқали ҳар бир асосий кўрсаткич баҳосини чиқариш;

асосий кўрсаткичлар баҳосини умумлаштириш орқали ҳар бир тадбиркорлик субъекти фаолиятида ҳуқуқбузарлик хавфи даражасининг умумий баллари аниқланади.

17. Амалга оширилган баҳолаш натижасида аниқланган хавф даражасининг умумий баллари асосида тадбиркорлик субъекти томонидан ҳуқуқбузарлик содир этиш хавфи қуйидаги уч хил тоифага таснифланади:

хавфи юқори — баҳоланган барча тадбиркорлик субъекти баллари умумий йиғиндисининг 20 фоиз қисмини ташкил этувчи энг юқори хавф даражаси балларига эга бўлган тадбиркорлик субъектлари;

хавфи ўртача — баҳоланган барча тадбиркорлик субъекти баллари умумий йиғиндисининг хавфи юқори бўлган 20 фоиз қисмини истисно этган ҳолда, 50 фоиз қисмини ташкил этувчи энг юқори хавф даражаси балларига эга бўлган тадбиркорлик субъектлари;

хавфи паст — баҳоланган тадбиркорлик субъектининг хавф даражаси баллари паст бўлган қолган тадбиркорлик субъектлари.

## 4-боб. Таснифланган хавф даражалари доирасида амалга ошириладиган тадбирлар

18. Баҳолаш натижаларига мувофиқ ҳуқуқбузарлик хавфи юқори ва ўрта таснифидаги тадбиркорлик субъектида қонун бузилиш ҳолатларининг олдини олишга қаратилган профилактика тадбирлари ўтказилиши лозим.

19. Текширув ўтказишга ташаббус билан чиқиш фақат ҳуқуқбузарлик хавфи юқори таснифидаги тадбиркорлик субъекти доирасида профилактика тадбирлари ўтказилгандан сўнг ҳам ҳуқуқбузарлик содир этиш аломатлари ижобий томонга ўзгармаган ҳолатлардагина амалга оширилиши мумкин.

20. Ҳуқуқбузарлик содир этиш хавфи юқори таснифидаги тадбиркорлик субъектида профилактика тадбирларини ўтказмасдан ва уларнинг натижасини кутмасдан қуйидаги ҳолатлар доирасида тадбиркорлик субъектида текширув ўтказиш ташаббуси билан чиқиш мумкин:

инсон ҳаёти ва соғлиғига зарар етказилишининг юқори хавфи мавжуд бўлганда;

жамоат хавфсизлигига зарар етказиш хавфининг олдини олиш учун кечиктириб бўлмайдиган ҳолатлар;

атроф муҳитга жиддий зарар етказиши мумкин бўлган ҳолатлар аниқланганда;

жисмоний ва юридик шахслар, давлат органлари ва бошқа ташкилотларга моддий зарар етказилаётганлиги ҳолатлари аниқланганда;

текширувлар ўтказилишини назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасининг топшириқлари мавжуд бўлганда;

қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳолатларда.

21. Ҳуқуқбузарлик содир этиш хавфи ўртача таснифидаги тадбиркорлик субъектида қонун бузилиши ҳолатларига йўл қўймасликка қаратилган профилактика тадбирларини ўтказиш шарт. Кейинги давр учун баҳолаш натижаларига кўра, тадбиркорлик субъекти фаолиятини баҳолаш натижасида салбий ўзгариш кузатилганда, тадбиркорлик субъекти фаолиятини текшириш бўйича ташаббуси билан чиқиш мумкин.

22. Ҳуқуқбузарлик содир этиш хавфи паст таснифидаги тадбиркорлик субъекти фаолиятига ҳар қандай аралашувларга йўл қўйилмайди.

23. «Хавфни таҳлил этиш» тизими, ҳуқуқбузарлик содир этиш хавфи даражасидан қатъи назар, тадбиркорлик субъекти фаолиятида ўтказиладиган барча текширувларни «Ягона давлат назорати» ахборот тизимида рўйхатдан ўтказиш орқали ваколатли орган билан келишилган ёки хабардор этган ҳолда ўтказилишини назарда тутиши лозим.

## 5-боб. Якуний қоидалар

24. Назорат қилувчи органлар томонидан ишлаб чиқилган «хавфни таҳлил этиш» тизими мажбурий равишда ваколатли орган ва Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилган ҳолда тасдиқланади.

25. Назорат қилувчи органларида «Хавфни таҳлил этиш» тизимининг жорий этилишида шахсан ушбу органнинг раҳбари жавобгар ҳисобланади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил 19 октябрдаги 611-сон қарорига
4-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган деб эътироф этилаётган қарорлари**
**РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларини тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш ҳуқуқини бериш юзасидан аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2018 йил 7 ноябрдаги 920-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш ҳақида» 2019 йил 21 октябрдаги 886-сон қарорига илованинг 22-банди.

## БЕШИНЧИ БЎЛИМ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

### 393 Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар томонидан қабул қилинган айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 17 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3392*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 17 мартдаги ПФ–89-сон «Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳамда ҳуқуқий хизмат кўрсатишда адлия органлари ва муассасалари фаолияти самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2020 йил 19 майдаги ПФ–5997-сон «Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари ҳамда 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ–3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан **буюраман:**

1. Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар томонидан қабул қилинган айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир** **Р. ДАВЛЕТОВ**

Тошкент ш.,
2022 йил 14 октябрь,
23-мҳ-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 17 октябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
адлия вазирининг 2022 йил 14 октябрдаги
23-мҳ-сон буйруғига
ИЛОВА

**Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар томонидан қабул қилинган айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси директорининг 2009 йил 11 мартдаги 33-сон буйруғи (рўйхат рақами 1937, 2009 йил 7 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 15-сон, 193-модда) билан тасдиқланган Саноат мулки объекти патентининг амал қилишини тиклаш қоидаларида:

1) 2-банддаги «Интеллектуал мулк агентлигига (кейинги ўринларда Агентлик деб аталади)» деган сўзлар «Адлия вазирлигига (бундан буён матнда Вазирлик деб юритилади)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) 8-банддаги «Агентликка» деган сўз «Вазирликка» деган сўз билан алмаштирилсин;

3) 11-банднинг иккинчи хатбошисидаги «Агентликнинг» деган сўз «Вазирликнинг» деган сўз билан алмаштирилсин;

4) 12-банддаги «Агентлик» деган сўз «Вазирлик» деган сўз билан алмаштирилсин;

5) иловадаги «Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги 100000, Тошкент шаҳри, Мустақиллик хиёбони, 59-уй» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (почта алоқаси), Тел.: ________ E-mail:___________» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси директорининг 2009 йил 24 июндаги 72-сон буйруғи (рўйхат рақами 1988, 2009 йил 29 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 30-31-сон, 353-модда) билан тасдиқланган Товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгисини рўйхатдан ўтказиш учун талабнома тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидаларида:

1) 1-бандда:

учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Вазирлик — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги;»;

қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Давлат муассасаси — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги «Интеллектуал мулк маркази» давлат муассасаси.»;

тўртинчи — ўн биринчи хатбошилар тегишли равишда бешинчи — ўн иккинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

2) 10-банднинг биринчи хатбошиси, 11-банднинг биринчи хатбошиси, 12-банднинг учинчи хатбошиси, 18-банднинг биринчи хатбошиси, 36 ва 37-бандлар, 42-банд, 51-банднинг иккинчи хатбошиси, 54-банднинг биринчи хатбошиси, 75-банднинг биринчи хатбошиси, 79-банднинг биринчи хатбошиси, 81-банд, 85-банднинг иккинчи хатбошиси, 97-банднинг биринчи хатбо-

шиси, 98-банднинг «а» кичик банди иккинчи хатбошиси ва «в» кичик банди, 99-банднинг «б» ва «в» кичик бандлари, 101-банд, 133-банднинг биринчи хатбошисидаги «Агентликка» деган сўзлар «Вазирликка» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) 15-банднинг иккинчи хатбошиси, 19-банд, 40-банднинг иккинчи хатбошиси «Агентликка» деган сўз «Вазирликда» деган сўз билан алмаштирилсин;

4) 3-бобнинг номи ва 2-параграфининг номи, 38-банднинг иккинчи хатбошиси ҳамда 44-банддаги «Агентлик» деган сўз «Вазирлик ва Давлат муассасаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) 41-банддаги «Агентликнинг» деган сўз «Вазирлик ва Давлат муассасасининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) 48-банддаги «Агентликка» ва «Агентликнинг» деган сўзлар тегишли равишда «Вазирлик ва Давлат муассасасига» ва «Вазирлик ва Давлат муассасасининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) 52-банддаги «Агентлик» деган сўз «Вазирлик» деган сўз билан алмаштирилсин;

8) 57-банднинг биринчи хатбошисидаги «Агентликка» деган сўз «Вазирлик ёки Давлат муассасасида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

9) 84-банднинг учинчи хатбошиси, 88-банднинг иккинчи хатбошиси, 96-банднинг иккинчи хатбошисидаги «Агентлик» деган сўз «Давлат муассасаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

10) 58-банднинг иккинчи хатбошиси, 78, 119-бандлар, 120-банднинг биринчи хатбошисидаги «Агентликнинг» деган сўз «Давлат муассасасининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

11) 59-банднинг иккинчи хатбошисидаги «Агентлик» ва «Агентликнинг» деган сўзлар тегишли равишда «Давлат муассасаси» ва «Давлат муассасасининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

12) 1-илова матнидаги «ЎР ИМА» ва «Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги, 100000, Тошкент шаҳри, Мустақиллик хиёбони, 59-уй, Тел.: (99871) 232-00-13, Факс: (99871) 233-45-56 E-mail: info@ima.uz» деган сўзлар тегишли равишда «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги» ва «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (почта алоқаси), Тел.: ________________, E-mail: __________.» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

13) 2-илова матнидаги «ЎР ИМА га», «ЎР ИМАда» ва «Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги, 100000, Тошкент шаҳри, Мустақиллик хиёбони, 59-уй, Тел.: (99871) 232-00-13, Факс: (99871) 233-45-56 E-mail: info@ima.uz» деган сўзлар тегишли равишда «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги», «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида» ва «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (почта алоқаси), Тел.: _____________, E-mail: __________.» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

14) 3-илова матнидаги «ЎР ИМАга», «ЎР ИМАда» ва «Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги, 100000, Тошкент шаҳри, Мустақиллик хиёбони, 59-уй, Тел.: (99871) 232-00-13, Факс: (99871) 233-45-56 E-mail: info@ima.uz» деган сўзлар тегишли равишда «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги», «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида» ва «Ўзбекис-

тон Республикаси Адлия вазирлиги (почта алоқаси), Тел.: ______________, E-mail: ___________.» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

15) 4-илова матнидаги «ЎР ИМАга», «ЎР ИМАда» ва «Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги, 100000, Тошкент шаҳри, Мустақиллик хиёбони, 59-уй, Тел.: (99871) 232-00-13, Факс: (99871) 233-45-56 E-mail: info@ima.uz» деган сўзлар тегишли равишда «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги», «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида» ва «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (почта алоқаси), Тел.: ______________, E-mail: ___________.» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

16) 5-илова матнидаги «ЎР ИМАга», «ЎР ИМАда» ва «Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги, 100000, Тошкент шаҳри, Мустақиллик хиёбони, 59-уй, Тел.: (99871) 232-00-13, Факс: (99871) 233-45-56 E-mail: info@ima.uz» деган сўзлар тегишли равишда «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги», «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида» ва «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (почта алоқаси), Тел.: ______________, E-mail: ___________.» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Давлат статистика қўмитасининг 2014 йил 9 декабрдаги 6 ва 5-мб-сон қарори (рўйхат рақами 2633, 2014 йил 10 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 50-сон, 601-модда) билан тасдиқланган Юридик шахсларнинг номига давлатнинг расмий номини, шунингдек ундан ҳосила сўзларни қўшиш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 2-банди иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«адлия органлари — Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари;».

4. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2017 йил 28 февралдаги 39-мҳ-сон буйруғи (рўйхат рақами 2861, 2017 йил 28 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 9-сон, 137-модда) билан тасдиқланган Давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизматларининг маълумотлари базасини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомда:

1) 6 ва 14-бандлардаги «Юридик хизматларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси» деган сўзлар «Ҳуқуқий хизмат кўрсатишни тартибга солиш бошқармаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) 13-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«13. Маълумотлар базаларининг ўз вақтида ва тўғри юритилиши учун масъулият тегишлича Вазирликнинг Ҳуқуқий хизмат кўрсатишни тартибга солиш бошқармаси, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаларининг Ҳуқуқий хизматлар бўлимлари ҳамда туман (шаҳар) адлия бўлимлари зиммасига юклатилади.».

5. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2017 йил 28 февралдаги 40-мҳ-сон буйруғи (рўйхат рақами 2862, 2017 йил 28 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 9-сон, 138-модда) билан тасдиқланган Давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизмати ходими лавозимига биринчи марта тайинланган шахсларнинг адлия органларида стажировкадан ўтиши тартиби тўғрисидаги низомнинг 6-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6. Стажировка Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида Ҳуқуқий хизмат кўрсатишни тартибга солиш бошқармаси томонидан, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаларида эса Ҳуқуқий хизматлар бўлимлари (бундан буён матнда масъул бўлинма деб юритилади) томонидан ташкил қилинади.».

6. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2017 йил 28 февралдаги 42-мҳ-сон буйруғи (рўйхат рақами 2864, 2017 йил 28 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 9-сон, 140-модда) билан тасдиқланган Юридик хизмат ходимини лавозимга тайинлаш ва озод қилиш масалаларини адлия органлари билан келишиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 10-бандидаги «Юридик хизматларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси» деган сўзлар «Ҳуқуқий хизмат кўрсатишни тартибга солиш бошқармаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги Бош директорининг 2017 йил 27 мартдаги 17-сон буйруғи (рўйхат рақами 2873, 2017 йил 10 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 15-сон, 260-модда) билан тасдиқланган Товар белгисига ва хизмат кўрсатиш белгисига доир гувоҳноманинг ҳамда товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиш муддатини узайтириш қоидаларида:

1) 1-банддаги «Интеллектуал мулк агентлигига (бундан буён матнда Агентлик деб юритилади)» деган сўзлар «Адлия вазирлигига (бундан буён матнда Вазирлик деб юритилади)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) 5, 8 ва 9-бандлардаги «Агентликка» деган сўз «Вазирликка» деган сўз билан алмаштирилсин;

3) 11-бандда:

биринчи хатбошидаги «Агентлик» деган сўз «Вазирлик» деган сўз билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «Агентликка» деган сўз «Вазирликка» деган сўз билан алмаштирилсин;

4) 12, 14 ва 17-бандлардаги «Агентлик» деган сўзлар «Вазирлик» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) 16-бандаги «Агентликнинг» деган сўз «Вазирликнинг» деган сўз билан алмаштирилсин;

6) илова матнидаги «Интеллектуал мулк агентлигига» деган сўзлар «Адлия вазирлигига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги Бош директорининг 2017 йил 15 майдаги 19-сон буйруғи (рўйхат рақами 2889, 2017 йил 14 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 24-сон, 510-модда) билан тасдиқланган Товар белгисини миллий рўйхатдан ўтказишни халқаро рўйхатдан ўтказишга алмаштириш қоидаларида:

1) 3-банддаги «Интеллектуал мулк агентлигига (бундан буён матнда Агентлик деб юритилади)» деган сўзлар «Адлия вазирлигига (бундан буён матнда Вазирлик деб юритилади)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) 5, 6 ва 9-бандлардаги «Агентликка» деган сўз «Вазирликка» деган сўз билан алмаштирилсин;

3) 7, 8, 10, 12 ва 14-бандлардаги «Агентлик» деган сўз «Вазирлик» деган сўз билан алмаштирилсин;

4) 16-банддаги «Агентликнинг» деган сўз «Вазирликнинг» деган сўз билан алмаштирилсин;

5) 1-илова матнидаги «Интеллектуал мулк агентлиги 100000, Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 59-уй» деган сўзлар «Адлия вазирлиги (почта манзили)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) 2-иловада:

номи ва матнидаги «AGENCY ON INTELLECTUAL PROPERTY» деган сўзлар «MINISTRY OF JUSTICE» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

матндан «100000, Mustaqillik avenue 59, Tashkent web-site: www.ima.uz, e-mail: info@ima.uz» ва «Phone.: (871) 232-50-60, (871) 232-50-30 Fax: (871) 232-50-05» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2017 йил 31 майдаги 239/4-сон қарори (рўйхат рақами 2894, 2017 йил 23 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил 25-сон, 569-модда) билан тасдиқланган Илмий даражалар бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 5-банди олтинчи хатбошисидан «ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

10. Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги бош директорининг 2017 йил 6 ноябрдаги 26-сон буйруғи (рўйхат рақами 2950, 2017 йил 23 ноябрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.11.2017 й., 10/17/2950/0306-сон) билан тасдиқланган Селекция ютуғи патентининг амал қилишини тиклаш қоидаларида:

1) 2-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2. Патентнинг амал қилишини тиклаш тўғрисидаги илтимоснома Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига (бундан буён матнда Вазирлик деб юритилади) патентнинг амал қилиши тугатилган санадан эътиборан уч йил ичида, бироқ патентнинг Қонунда назарда тутилган амал қилиш муддати тугагунига қадар топширилиши мумкин.»;

2) 4-банднинг биринчи хатбошиси, 7 ва 8-бандлардаги «Агентликка» деган сўз «Вазирликка» деган сўз билан алмаштирилсин;

3) 10-банднинг иккинчи хатбошисидаги «Агентликнинг» деган сўз «Вазирликнинг» деган сўз билан алмаштирилсин;

4) 11-банддаги «Агентлик» деган сўз «Вазирлик» деган сўз билан алмаштирилсин;

5) илова матнидаги «Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги 100000, Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 59-уй» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (почта манзили)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирининг 2018 йил 4 июндаги 14/6-сон буйруғи (рўйхат рақами 3034, 2018 йил 5 июль) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.07.2018 й.,

10/18/3034/1474-сон) билан тасдиқланган Давлат илмий дастурлари доирасида яратилган интеллектуал мулк ҳуқуқлари (патентлар)ни хорижда рўйхатдан ўтказиш ва қўллаб-қувватлаш харажатларини тўлаш тартиби тўғрисидаги низомда:

1) 5-банднинг учинчи хатбошисидаги «Интеллектуал мулк агентлигига (бундан буён матнда Интеллектуал мулк агентлиги деб юритилади)» деган сўзлар «Адлия вазирлигига (бундан буён матнда Адлия вазирлиги деб юритилади)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) 6-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошилари ҳамда 7, 12-бандлардаги «Интеллектуал мулк агентлиги» деган сўзлар «Адлия вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 30 октябрдаги 494-мҳ-сон буйруғи (рўйхат рақами 3190, 2019 йил 30 октябрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.10.2019 й., 10/19/3190/3984-сон) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Апелляция кенгашига апелляциялар ва Ўзбекистон Республикасида ҳаммага маълум товар белгилари деб эътироф этиш тўғрисидаги аризаларни бериш ва уларни кўриб чиқиш қоидаларида:

1) 4-бандда:

биринчи хатбошидаги «Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлигида (бундан буён матнда Агентлик деб юритилади)» деган сўзлар «Адлия вазирлигида (бундан буён матнда Вазирлик деб юритилади)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «Агентликда» деган сўз «Вазирликда» деган сўз билан алмаштирилсин;

2) 7-банднинг «в» кичик банди ўн учинчи хатбошиси ва 39-банддаги «Агентлик» деган сўз «Вазирлик» деган сўз билан алмаштирилсин;

3) 12-банддаги «Агентликка» деган сўз «Вазирликка» деган сўз билан алмаштирилсин;

4) 18-бандда:

а) «а» кичик бандда:

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги «Интеллектуал мулк маркази» давлат муассасасининг (бундан буён матнда Давлат муассасаси деб юритилади) ихтиро, фойдали модель, саноат намунаси, селекция ютуғи, товар белгиси, товар келиб чиққан жой номларига талабномани кўриб чиқишга қабул қилишни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан берилган апелляциялар;»;

учинчи ва тўртинчи хатбошилардаги «Агентликнинг» деган сўз «Давлат муассасасининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) «б» кичик банднинг иккинчи — бешинчи хатбошиларидаги «Агентликнинг» деган сўз «Давлат муассасасининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) 23-банднинг иккинчи ва учинчи хатбошиларидаги «Вазирлик ва Агентликнинг» деган сўзлар «Вазирликнинг» деган сўз билан алмаштирилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги

директорининг 2020 йил 1 майдаги 01/11-15/62-сон буйруғи (рўйхат рақами 3239, 2020 йил 4 июнь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.06.2020 й., 10/20/3239/0721-сон) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг ягона миллий баҳолаш стандартининг 3-иловаси 48-банди учинчи хатбошисидаги «Интеллектуал мулк агентлигида» деган сўзлар «Адлия вазирлигида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2020 йил 26 июндаги 147-мҳ-сон буйруғи (рўйхат рақами 3250, 2020 йил 26 июнь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.06.2020 й., 10/20/3250/1012-сон) билан тасдиқланган Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари ҳузуридаги малака комиссиялари тўғрисидаги низомда:

1) 2-банддаги «Ҳуқуқий хизмат кўрсатишни давлат томонидан тартибга солиш бошқармаси» деган сўзлар «Ҳуқуқий хизмат кўрсатишни тартибга солиш бошқармаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) 6-банднинг иккинчи хатбошисидаги «Ҳуқуқий хизмат кўрсатишни давлат томонидан тартибга солиш бўлимининг» деган сўзлар «Ҳуқуқий хизматлар бўлимининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) 18-банддаги «Ҳуқуқий хизмат кўрсатишни давлат томонидан тартибга солиш бошқармасига» деган сўзлар «Ҳуқуқий хизмат кўрсатишни тартибга солиш бошқармасига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2020 йил 1 июндаги 2020-22-сон қарори (рўйхат рақами 3256, 2020 йил 30 июнь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.06.2020 й., 10/20/3256/1046-сон) билан тасдиқланган Ундирилиши умидсиз деб эътироф этилган солиқ қарзини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги низомнинг 10-банди биринчи хатбошисидан «ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

16. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2021 йил 24 февралдаги 2-мҳ-сон буйруғи (рўйхат рақами 3287, 2021 йил 24 февраль) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.02.2021 й., 10/21/3287/0153-сон) билан тасдиқланган Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 299-бандидаги «Тартибга солиш таъсирини баҳолаш бошқармаси» деган сўзлар «Қонунчиликни тизимлаштириш ва тартибга солиш таъсирини баҳолаш бошқармаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

17. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2022 йил 2 февралдаги 2-мҳ-сон буйруғи (рўйхат рақами 3347, 2022 йил 2 февраль) (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 02.02.2022 й., 10/22/3347/0094-сон) билан тасдиқланган Қонунчилик ҳужжатлари ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш бўйича экспертлар реестрини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2-бандидаги «Тартибга солиш таъсирини баҳолаш бошқармаси» деган сўзлар «Қонунчиликни тизимлаштириш ва тартибга солиш таъсирини баҳолаш бошқармаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

## 394 Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар томонидан қабул қилинган айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 17 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3393*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 17 мартдаги ПФ–89-сон «Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳамда ҳуқуқий хизмат кўрсатишда адлия органлари ва муассасалари фаолияти самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2020 йил 19 майдаги ПФ–5997-сон «Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари ҳамда 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ–3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан **буюраман:**

1. Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар томонидан қабул қилинган айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир** **Р. ДАВЛЕТОВ**

Тошкент ш.,
2022 йил 14 октябрь,
24-мҳ-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 17 октябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
адлия вазирининг 2022 йил 14 октябрдаги
24-мҳ-сон буйруғига
ИЛОВА

**Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар томонидан қабул қилинган айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси директорининг 2002 йил 11 октябрдаги 52-сон буйруғи (рўйхат рақами 1185, 2002 йил 1 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2002 й., 21-сон) билан тасдиқланган Товар келиб чиққан жой номини рўйхатдан ўтказиш ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини бериш учун талабнома тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидаларида:

1) Қисқартиришлар рўйхатида:

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Вазирлик — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги.»;

қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Давлат муассасаси — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги «Интеллектуал мулк маркази» давлат муассасаси.»;

учинчи ва тўртинчи хатбошилар тегишли равишда тўртинчи ва бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

2) 10-банднинг иккинчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк Агентлиги (бундан кейинги ўринларда Агентлик деб юритилади)» деган сўзлар «Вазирликка» деган сўз билан алмаштирилсин;

3) 14-банднинг иккинчи хатбошиси, 15-банднинг биринчи хатбошиси ҳамда 35-банднинг иккинчи хатбошисидаги «Агентликда» деган сўз «Вазирликда» деган сўз билан алмаштирилсин;

4) 25-банднинг иккинчи хатбошиси, 33 ва 38-бандлар, 45-банднинг учинчи хатбошиси, 63-банднинг биринчи хатбошиси, 66-банд, 67-банднинг биринчи хатбошисидаги «Агентликка» деган сўз «Вазирликка» деган сўз билан алмаштирилсин;

5) 34-бандда:

биринчи, иккинчи, бешинчи ва олтинчи хатбошилардаги «Агентликда» деган сўз «Вазирликда» деган сўз билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидаги «Агентлик» деган сўз «Вазирлик ва Давлат муассасаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) 37 ва 46-бандлар, 50-банднинг иккинчи хатбошиси, 94-банднинг биринчи хатбошиси ва 95-банддаги «Агентликнинг» деган сўз «Давлат муассасасининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) 6-параграфнинг номи ва 40-банддаги «Агентлик» деган сўз «Вазирлик ва Давлат муассасаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) 44-банддаги «Агентликка» ва «Агентлик» деган сўзлар тегишли ра-

вишда «Вазирлик ва Давлат муассасасига» ҳамда «Вазирлик ва Давлат муассасаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

9) 51-банднинг биринчи хатбошиси ва 88-банднинг иккинчи хатбошисидаги «Агентлик» деган сўз «Давлат муассасаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

10) 64-банддаги «Агентликнинг» деган сўз «Вазирликнинг» деган сўз билан алмаштирилсин;

11) 1-2-иловалар матнидаги «Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигига, 100000, Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 59. Тел.: (99871) 232-00-13. Факс: (99871) 233-45-56. E-mail: info@ima.uz» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (почта алоқаси), Тел.: ______, E-mail: ___________.» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

12) 3-илова матнидаги «ЎзР ИМАга», «ЎзР ИМА» ва «Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигига, 100000, Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 59. Тел.: (99871) 232-00-13. Факс: (99871) 233-45-56. E-mail: info@ima.uz» деган сўзлар тегишли равишда «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига», «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги» ва «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (почта алоқаси), Тел.: ______, E-mail: ___________.» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

13) 4-илова матнидаги «ЎзР ИМАга», «ЎзР ИМА» ва «Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигига, 100000, Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 59. Тел.: (99871) 232-00-13, Факс: (99871) 233-45-56. E-mail: info@ima.uz» деган сўзлар тегишли равишда «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига», «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги» ва «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (почта алоқаси), Тел.: ______, E-mail: ___________.» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси директорининг 2004 йил 2 февралдаги 9-сон буйруғи (рўйхат рақами 1329, 2004 йил 22 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 12-сон, 147-модда) билан тасдиқланган Ихтирога Ўзбекистон Республикасининг патенти берилиши учун талабномаларни тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидаларида:

1) Қисқартиришлар рўйхатида:

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Вазирлик — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги»;

қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Давлат муассасаси — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги «Интеллектуал мулк маркази» давлат муассасаси»;

учинчи — ўн иккинчи хатбошилар тегишли равишда тўртинчи — ўн учинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

2) 8-банднинг биринчи ва тўртинчи хатбошилари, 9-банд, 13-банднинг бешинчи хатбошиси, 14-банд, 18-банднинг биринчи хатбошиси, 115, 122-бандлар, 125-банднинг иккинчи хатбошиси, 155, 158, 160-бандлар, 162-банднинг «д» кичик банди, 175-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошилари, 176-банднинг иккинчи, учинчи ва тўртинчи хатбошилари, 178-банднинг биринчи ва

учинчи хатбошилари, 179-банднинг иккинчи хатбошиси, 184, 205-бандлар, 274-банднинг биринчи хатбошиси ҳамда 275-банднинг иккинчи хатбошисидаги «Агентликка» деган сўз «Вазирликка» деган сўз билан алмаштирилсин;

3) 15-банднинг иккинчи хатбошиси, 19, 116 ва 117-бандлар ҳамда 165-банднинг «г» кичик бандидаги «Агентликда» деган сўз «Вазирликда» деган сўз билан алмаштирилсин;

4) 95-банднинг учинчи хатбошиси, 265, 273, 277, 278 ва 279-бандлардаги «Агентлик» деган сўз «Вазирлик» деган сўз билан алмаштирилсин;

5) 2-бобнинг номи, 8-параграфнинг номи, 129-банднинг биринчи хатбошиси ва 294-банднинг иккинчи хатбошисидаги «Агентлик» деган сўз «Вазирлик ва Давлат муассасаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) 118-бандда:

иккинчи хатбошидаги «Агентлик» деган сўз «Вазирлик ва Давлат муассасаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошидаги «Агентликда» деган сўзлар «Вазирликда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) 124-банднинг иккинчи хатбошиси, 140-банд, 159, 167-бандлар, 168-банднинг биринчи хатбошиси, 169-банднинг иккинчи хатбошиси, 209 ва 267-бандлардаги «Агентлик» деган сўз «Давлат муассасаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) 126-банд ва 127-банднинг биринчи хатбошисидаги «Агентликка» деган сўз «Вазирлик ва Давлат муассасасига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

9) 144-бандда:

биринчи хатбошидаги «Агентлик» ва «Агентликда» деган сўзлар тегишли равишда «Вазирлик ва Давлат муассасаси» ва «Вазирлик ёки Давлат муассасасида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «Агентлик» ва «Агентликда» деган сўзлар тегишли равишда «Вазирлик ва Давлат муассасаси» ва «Вазирлик ёки Давлат муассасасида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

10) 146-банд ва 247-банднинг биринчи хатбошисидаги «Агентликнинг» деган сўз «Давлат муассасасининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

11) 156-банднинг биринчи хатбошисидаги «Агентликнинг» деган сўз «Вазирликнинг» деган сўз билан алмаштирилсин;

12) 171-банднинг иккинчи хатбошисидаги «Агентликда» деган сўз «Давлат муассасасида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

13) 172-бандда:

иккинчи хатбошидаги «Агентликка» деган сўз «Вазирликка» деган сўз билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «Агентлик» деган сўз «Давлат муассасаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

олтинчи ва ўнинчи хатбошилардаги «Агентликка» деган сўз «Давлат муассасасига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

14) 177-банднинг иккинчи хатбошисидаги «Агентликка» деган сўз «Давлат муассасасига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

15) 248-бандда:

биринчи хатбошидаги «Агентликнинг» деган сўз «Давлат муассасасининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «Агентликка» деган сўз «Давлат муассасасига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

16) 297-бандда:

иккинчи хатбошидаги «Агентликка» деган сўз «Вазирликка» деган сўз билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «Агентлик» деган сўз «Давлат муассасаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

17) 1-илова матнидаги «O‘zR IMA» ва «O‘zbekiston Respublikasi Intellektual mulk agentligi 100000, Toshkent sh., Mustaqillik shoh ko‘chasi, 59 Tel.: (99871) 232-50-50, Faks: (99871) 233-50-05 E-mail: info@ima.uz» деган сўзлар тегишли равишда «O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi» ва «O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi (pochta aloqasi), Tel.: ______ E-mail: ___________» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

18) 2 — 4-иловалар матнидаги «O‘zR IMA» ва «O‘zbekiston Respublikasi Intellektual mulk agentligi 100000, Toshkent shahri, Mustaqillik shoh ko‘chasi, 59 Tel.: (99871) 232-50-50, Faks: (99871) 233-50-05 E-mail: info@ima.uz» деган сўзлар тегишли равишда «O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi» ва «O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi (pochta aloqasi), Tel.: ______ E-mail: ___________» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси директорининг 2004 йил 15 мартдаги 14-сон буйруғи (рўйхат рақами 1343, 2004 йил 29 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 17-сон, 202-модда) билан тасдиқланган Фойдали моделга Ўзбекистон Республикасининг патенти берилиши учун талабномаларни тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидаларида:

1) Қисқартиришлар рўйхатида:

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Вазирлик — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги;»;

қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Давлат муассасаси — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги «Интеллектуал мулк маркази» давлат муассасаси»;

учинчи — саккизинчи хатбошилар тегишли равишда тўртинчи — тўққизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

2) 8-банднинг биринчи ва тўртинчи хатбошилари, 9-банд, 11-банднинг бешинчи хатбошиси, 12-банд, 16-банднинг биринчи хатбошиси, 81, 88-бандлар, 91-банднинг иккинчи хатбошиси, 92-банд, 93-банднинг биринчи хатбошиси, 120, 123 ва 125-бандлар, 127-банднинг «д» кичик банди, 140-банд, 141-банднинг иккинчи — тўртинчи хатбошилари, 143-банднинг биринчи ва учинчи хатбошилари, 144-банднинг иккинчи хатбошиси, 149 ва 170-бандлардаги «Агентликка» деган сўз «Вазирликка» деган сўз билан алмаштирилсин;

3) 13-банднинг иккинчи хатбошиси, 17-банд, 82 ва 83-бандлар ҳамда

130-банднинг «г» кичик бандидаги «Агентликда» деган сўз «Вазирликда» деган сўз билан алмаштирилсин;

4) 62-банднинг учинчи хатбошиси, 95-банднинг биринчи хатбошиси, 224-банддаги «Агентлик» деган сўз «Вазирлик» деган сўз билан алмаштирилсин;

5) 2-бобнинг номи ва 8-параграфнинг номидаги «Агентлик» деган сўз «Вазирлик ва Давлат муассасаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) 84-бандда:

иккинчи хатбошидаги «Агентлик» деган сўз «Вазирлик ва Давлат муассасаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошидаги «Агентликда» деган сўз «Вазирликда» деган сўз билан алмаштирилсин;

7) 90-банднинг иккинчи хатбошиси, 105, 124, 132-бандлар, 133-банднинг биринчи хатбошиси, 134-банднинг иккинчи хатбошиси, 174 ва 226-бандлардаги «Агентлик» деган сўз «Давлат муассасаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) 109-банддаги «Агентлик» ва «Агентликда» деган сўзлар тегишли равишда «Вазирлик ва Давлат муассасаси» ҳамда «Вазирлик ёки Давлат муассасасида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

9) 111-банд, 206-банднинг биринчи хатбошиси ва 207-банднинг биринчи хатбошисидаги «Агентликнинг» деган сўз «Давлат муассасасининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

10) 121-банднинг биринчи хатбошисидаги «Агентликнинг» деган сўз «Вазирликнинг» деган сўз билан алмаштирилсин;

11) 136-банднинг иккинчи хатбошисидаги «Агентликда» деган сўз «Давлат муассасасида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

12) 142-банднинг иккинчи хатбошисидаги «Агентликка» деган сўз «Давлат муассасасига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

13) 1 — 4-иловалар матнидаги «ЎзР ИМА» ва «Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигига, 100000, Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 59. Тел.: (99871) 232-00-13. Факс: (99871) 233-45-56. E-mail: info@ima.uz» деган сўзлар тегишли равишда «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги» ва «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (почта алоқаси), Тел: _______ E-mail: ___________» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси директорининг 2004 йил 21 апрелдаги 22-сон буйруғи (рўйхат рақами 1361, 2004 йил 20 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 20-сон, 243-модда) билан тасдиқланган Саноат намунасига Ўзбекистон Республикасининг патенти берилиши учун талабномаларни тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидаларида:

1) Қисқартиришлар рўйхатида:

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Вазирлик — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги.»;

учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Апелляция кенгаши — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги

ҳузуридаги интеллектуал мулк объектларининг ҳуқуқий муҳофазаси билан боғлиқ бўлган апелляцияларни судгача кўриб чиқувчи Апелляция кенгаши.»;

қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Давлат муассасаси — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги «Интеллектуал мулк маркази» давлат муассасаси.»;

тўртинчи — тўққизинчи хатбошилар тегишли равишда бешинчи — ўнинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

2) 10-банднинг биринчи, иккинчи ва бешинчи хатбошилари, 12-банднинг бешинчи ва олтинчи хатбошилари, 13-банд, 17-банднинг биринчи хатбошиси, 85, 92-бандлар, 95-банднинг иккинчи хатбошиси, 96-банд, 97-банднинг биринчи хатбошиси, 123-банднинг биринчи хатбошиси, 126, 128-бандлар, 130-банднинг «д» кичик банди, 150-банд, 151-банднинг «а», «б» ва «в» кичик бандлари, 153-банднинг биринчи хатбошиси ҳамда «а» кичик банди, 154-банднинг «а» кичик банди, 159-банд, 173-банднинг биринчи хатбошисидаги «Агентликка» деган сўз «Вазирликка» деган сўз билан алмаштирилсин;

3) 14-банднинг иккинчи хатбошиси ва 86-банддаги «Агентликда» деган сўз «Вазирликда» деган сўз билан алмаштирилсин;

4) 18-банднинг биринчи хатбошисидаги «Агентликдаги» деган сўз «Вазирликдаги» деган сўз билан алмаштирилсин;

5) 80-банднинг ўн учинчи хатбошисидаги «Агентлик» деган сўз «Вазирлик» деган сўз билан алмаштирилсин;

6) 87-банддаги «агентликда» деган сўз «Вазирликда» деган сўз билан алмаштирилсин;

7) 88-бандда:

иккинчи хатбошидаги «Агентлик» деган сўз «Вазирлик ва Давлат муассасаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошидаги «Агентликда» деган сўз «Вазирликда» деган сўз билан алмаштирилсин;

8) 8-параграфнинг номидаги «Агентлик» деган сўз «Вазирлик ва Давлат муассасаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

9) 94-банднинг иккинчи хатбошиси, 99-банднинг биринчи хатбошиси, 105-банднинг иккинчи хатбошиси, 109, 127, 136-бандлар, 137-банднинг биринчи хатбошиси, 138-банднинг иккинчи хатбошиси ва 205-банддаги «Агентлик» деган сўз «Давлат муассасаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

10) 113-банддаги «Агентлик» ва «Агентликнинг» деган сўзлар тегишли равишда «Вазирлик ва Давлат муассасаси» ҳамда «Вазирлик ёки Давлат муассасасининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

11) 115-банд, 196-банднинг биринчи хатбошисидаги «Агентликнинг» деган сўз «Давлат муассасасининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

12) 124-банднинг биринчи хатбошиси, 206-банднинг иккинчи хатбошисидаги «Агентликнинг» деган сўз «Вазирликнинг» деган сўз билан алмаштирилсин;

13) 146-бандда:

биринчи хатбошидаги «Агентликнинг» деган сўз «Давлат муассасасининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «Агентликда» деган сўз «Давлат муассасасида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

14) 152-банднинг «а» кичик бандидаги «Агентликка» деган сўз «Давлат муассасасига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

15) 197-бандда:

биринчи хатбошидаги «Агентликнинг» деган сўз «Давлат муассасасининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «Агентликка» деган сўз «Вазирликка» деган сўз билан алмаштирилсин;

16) 1 — 4-иловалар матнидаги «ЎзР ИМА» ва «Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги 100000, Тошкент ш., Мустақиллик шоҳ кўчаси, 59 Тел.: (99871) 232-00-13, Факс: (99871) 233-50-05 E-mail: info@ima.uz» деган сўзлар тегишли равишда «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги» ва «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (почта алоқаси), Тел: ___________ E-mail: ___________» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси директорининг 2004 йил 18 августдаги 45-сон буйруғи (рўйхат рақами 1402, 2004 йил 6 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 36-сон, 402-модда) билан тасдиқланган Электрон ҳисоблаш машиналари учун дастурларни расмий рўйхатдан ўтказиш учун талабномани ва маълумотлар базаларини расмий рўйхатдан ўтказиш учун талабномани тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидаларида:

1) Қисқартирмалар рўйхатида:

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Вазирлик — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги;»;

қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Давлат муассасаси — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги «Интеллектуал мулк маркази» давлат муассасаси;»;

учинчи — бешинчи хатбошилар тегишли равишда тўртинчи — олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

2) 8, 35, 38, 43 ва 46-бандлардаги «Агентликка» деган сўз «Вазирликка» деган сўз билан алмаштирилсин;

3) 33-банднинг иккинчи хатбошиси ва 44-банддаги «Агентлик» деган сўз «Вазирлик» деган сўз билан алмаштирилсин;

4) 39-банднинг иккинчи хатбошисидаги «Агентлик» деган сўз «Вазирлик ва Давлат муассасаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) 42-банддаги «Агентлик» деган сўз «Давлат муассасаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) 47-банднинг биринчи хатбошисидаги «талабномага Агентликнинг» деган сўзлар «Талабномага Вазирликнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) 51-банддаги «Агентлик» ва «Агентликнинг» деган сўзлар тегишли равишда «Вазирлик» ва «Вазирликнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) 52-банднинг иккинчи хатбошисидаги «Агентлик сўровномасида» ва «Агентлик сўровномаси» деган сўзлар тегишли равишда «Давлат муассасаси сўровномасида» ва «Давлат муассасаси сўровномаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

9) 1-илова матнидаги «ЎзР ИМА» ва «Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги, 100000, Тошкент ш., Мустақиллик кўчаси, 59 уй. Тел.: (99871) 232-00-13. Факс: (99871) 233-45-56. E-mail: info@ima.uz» деган сўзлар тегишли равишда «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги» ва «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (почта алоқаси), Тел: ________ E-mail: ___________» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

10) 2-илова матнидаги «ЎзР ИМА» ва «Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги, 100000, Тошкент ш., Мустақиллик проспекти, 59. Тел.: (99871) 232-00-13. Факс: (99871) 233-45-56. E-mail: info@ima.uz» деган сўзлар тегишли равишда «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги» ва «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (почта алоқаси), Тел: ________ E-mail: ___________» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

11) 3-илова матнидаги «ЎзР ИМА» ва «Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги, 100000, Тошкент ш., Мустақиллик кўчаси, 59. Тел.: (99871) 232-00-13. Факс: (99871) 233-45-56. E-mail: info@ima.uz» деган сўзлар тегишли равишда «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги» ва «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (почта алоқаси), Тел: _______ E-mail: ___________» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси директорининг 2004 йил 30 декабрдаги 62-сон буйруғи (рўйхат рақами 1443, 2005 йил 14 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 2-сон, 16-модда) билан тасдиқланган Селекция ютуғига Ўзбекистон Республикаси патентини бериш учун талабномаларни тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидаларида:

1) Қисқартиришлар рўйхатида:

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Вазирлик — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги.»;

қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Давлат муассасаси — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги «Интеллектуал мулк маркази» давлат муассасаси.»;

учинчи — еттинчи хатбошилар тегишли равишда тўртинчи — саккизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

2) 10-банд, 12-банднинг иккинчи хатбошиси, 15-банд, 18-банднинг биринчи хатбошиси, 56-банд, 66-банднинг иккинчи хатбошиси, 67-банд, 68-банднинг биринчи хатбошиси, 88, 91 ва 93-бандлар, 94-банднинг «д» кичик банди, 102-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошилари ҳамда 104-банднинг иккинчи ва учинчи хатбошиларидаги «Агентликка» деган сўз «Вазирликка» деган сўз билан алмаштирилсин;

3) 20-банднинг иккинчи хатбошиси, 21 ва 57-бандлар, 97-банднинг «г» кичик бандидаги «Агентликда» деган сўз «Вазирликда» деган сўз билан алмаштирилсин;

4) 51-банднинг иккинчи хатбошиси ва 70-банднинг биринчи хатбошисидаги «Агентлик» деган сўз «Вазирлик» деган сўз билан алмаштирилсин;

5) 2-бобнинг номи ҳамда 8-параграфнинг номидаги «Агентлик» деган сўз «Вазирлик ва Давлат муассасаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) 59-бандда:

иккинчи хатбошидаги «Агентлик» деган сўз «Вазирлик ва Давлат муассасаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошидаги «Агентликда» деган сўз Вазирликда» деган сўз билан алмаштирилсин;

7) 63-банддаги «Агентликка» деган сўз «Вазирлик ва Давлат муассасасига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) 65-банднинг иккинчи хатбошиси, 73 ва 99-бандлар ҳамда 116-банднинг иккинчи хатбошисидаги «Агентлик» деган сўз «Давлат муассасаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

9) 77-банддаги «Агентлик» деган сўзлар «Вазирлик, Давлат муассасаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

10) 79 ва 92-бандлардаги «Агентликнинг» деган сўз «Давлат муассасасининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

11) 103-банднинг иккинчи хатбошисидаги «Агентликка» деган сўз «Вазирликка» деган сўз билан алмаштирилсин;

12) 110-бандда:

иккинчи хатбошидаги «Агентликка» деган сўз «Давлат муассасасига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «Агентлик» деган сўз «Давлат муассасаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

13) 114-банддаги «Агентликка» ва «Агентлик» деган сўзлар тегишли равишда «Давлат муассасасига» ва «Давлат муассасаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

14) 115-банддаги «Агентлик» ва «Агентликнинг» деган сўзлар тегишли равишда «Вазирлик» ва «Вазирликнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

15) 1-илова матнидаги «ЎзР ИМА томонидан» ва «Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигига, 100000, Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 59. Тел.: (99871) 232-50-50 Факс: (99871) 232-50-05 E-mail: info@ima.uz» деган сўзлар тегишли равишда «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан» ва «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (почта алоқаси), Тел: ______ E-mail: ___________» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

16) 4 — 6-иловалар матнидаги «ЎзР ИМА» ва «Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигига, 100000, Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 59. Тел.: (99871) 232-50-50. Факс: (99871) 232-50-05. E-mail: info@ima.uz» деган сўзлар тегишли равишда «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги» ва «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (почта алоқаси), Тел: ______ E-mail: ___________» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси директорининг 2006 йил 21 сентябрдаги 56-сон буйруғи (рўйхат рақами 1629, 2006 йил

14 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 42-сон, 420-модда) билан тасдиқланган Патент эгасининг очиқ лицензияга доир ҳуқуқни тақдим этиш тўғрисидаги аризасини топшириш ва кўриб чиқиш ҳамда бундай ариза тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиш қоидаларида:

1) муқаддимадаги «Интеллектуал мулк агентлигида (бундан кейинги ўринларда Агентлик деб юритилади)» деган сўзлар «Адлия вазирлигида (бундан буён матнда Вазирлик деб юритилади)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) 1-банд, 6-банднинг биринчи хатбошиси ва 8-банддаги «Агентликка» деган сўз «Вазирликка» деган сўз билан алмаштирилсин;

3) 2-банддаги «Агентликда» деган сўз «Вазирликда» деган сўз билан алмаштирилсин;

4) 9, 11 ва 12-бандлардаги «Агентлик» деган сўз «Вазирлик» деган сўз билан алмаштирилсин;

5) 13-бандда:

биринчи хатбошидаги «Агентликнинг» деган сўз «Вазирликнинг» деган сўз билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидаги «Агентлик» деган сўз «Вазирлик» деган сўз билан алмаштирилсин;

6) 14-банддаги «Агентлик» ва «Агентликнинг» деган сўзлар тегишли равишда «Вазирлик» ва «Вазирликнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) илова матнидаги «Патент идораси» деган сўзлар «Адлия вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси директорининг 2007 йил 3 апрелдаги 25-сон буйруғи (рўйхат рақами 1678, 2007 йил 5 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 19-20-сон, 203-модда) билан тасдиқланган Фойдали моделга, саноат намунасига ҳамда дори воситаси ёки пестицидга тааллуқли ихтирога Ўзбекистон Республикаси патентининг амал қилишини узайтириш қоидаларида:

1) 1-банднинг биринчи хатбошисидаги «Интеллектуал мулк агентлигига (кейинги ўринларда Агентлик деб аталади)» деган сўзлар «Адлия вазирлигига (бундан буён матнда Вазирлик деб юритилади)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) 3, 5 ва 11-бандлардаги «Агентликка» деган сўз «Вазирликка» деган сўз билан алмаштирилсин;

3) 14-банднинг иккинчи хатбошисидаги «Агентликнинг» деган сўз «Вазирликнинг» деган сўз билан алмаштирилсин;

4) 15-банддаги «Агентлик» деган сўз «Вазирлик» деган сўз билан алмаштирилсин;

5) 1 ва 2-иловалар матнидаги «Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги 100000, Тошкент шаҳри, Мустақиллик хиёбони, 59-уй» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (почта алоқаси), Тел: ______ E-mail: __________» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси директорининг

2008 йил 25 мартдаги 13-сон буйруғи (рўйхат рақами 1793, 2008 йил 16 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 16-сон, 123-модда) билан тасдиқланган Селекция ютуғига Ўзбекистон Республикаси патентининг амал қилишини узайтириш қоидаларида:

1) 2-банддаги «Интеллектуал мулк агентлигига (кейинги ўринларда Агентлик деб аталади)» деган сўзлар «Адлия вазирлигига (бундан буён матнда Вазирлик деб юритилади)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) 8-банддаги «Агентликка» деган сўз «Вазирликка» деган сўз билан алмаштирилсин;

3) 11-банднинг иккинчи хатбошисидаги «Агентликнинг» деган сўз «Вазирликнинг» деган сўз билан алмаштирилсин;

4) 12-банддаги «Агентлик» деган сўз «Вазирлик» деган сўз билан алмаштирилсин;

5) иловадаги «Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги», 100000, Тошкент шаҳри, Мустақиллик хиёбони, 59-уй» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (почта алоқаси), Тел: ___________ E-mail: ___________» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

10. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг 2011 йил 22 февралдаги 1-ю-сон буйруғи (рўйхат рақами 2219, 2011 йил 18 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 16-сон, 167-модда) билан тасдиқланган Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш қоидаларининг 3-иловаси 3-бандининг «в» кичик банди иккинчи хатбошисидан «ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

11. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2012 йил 2 мартдаги 53-мҳ-сон буйруғи (рўйхат рақами 2333, 2012 йил 2 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 8-9-сон, 98-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тармоқларининг умумҳуқуқий классификаторининг 2-иловасида:

1) 1-банддаги «Қонунчилик бош бошқармаси» деган сўзлар «Қонунчилик департаменти» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) 2 ва 9-бандлардаги «Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси» деган сўзлар «Қонунчиликни тизимлаштириш ва тартибга солиш таъсирини баҳолаш бошқармаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2013 йил 28 ноябрдаги 62-мҳ, 52, 109-сон қарори (рўйхат рақами 2541, 2013 йил 26 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 52-сон, 701-модда) билан тасдиқланган Дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчиларининг миллий реестри тўғрисидаги низомда:

1) 16-банднинг тўртинчи хатбошисидаги «Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлигининг» деган сўзлар «Адлия вазирлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) 1-илова матнидаги «Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк

агентлигида» деган сўзлар «Адлия вазирлигида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитасининг 2016 йил 24 мартдаги 20, 2016-14, 01-02/8-10-сон қарори (рўйхат рақами 2771, 2016 йил 30 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 13-сон, 124-модда) билан тасдиқланган Бюджет тизими бюджетлари даромадларининг касса ижроси тўғрисидаги йўриқномада:

1) 311-бандда:

биринчи хатбошидаги «Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлигининг (бундан буён матнда Давлат хизматлари агентлиги деб юритилади) бюджетдан ташқари» деган сўзлар «Адлия вазирлигининг (бундан буён матнда Адлия вазирлиги деб юритилади) Давлат хизматларини ривожлантириш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «Давлат хизматлари агентлиги» деган сўзлар «Адлия вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) 312-бандда:

биринчи хатбошидаги «Давлат хизматлари агентлигининг бюджетдан ташқари жамғармаси» деган сўзлар «Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи, учинчи ва олтинчи хатбошилардаги «Давлат хизматлари агентлиги» деган сўзлар «Адлия вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) 343-банднинг иккинчи хатбошисидаги «Давлат хизматлари агентлигининг бюджетдан ташқари жамғармаси» деган сўзлар «Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ ҚАРОРИ

## 395 Юридик ва жисмоний шахслар томонидан валюта операциялари амалга оширилишининг асосланганлиги юзасидан мониторинг олиб бориш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 18 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2467-5*

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 октябрдаги ПФ–6098-сон «Яширин иқтисодиётни қисқартириш ва солиқ органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси ва Марказий банки бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси ва Марказий банки бошқарувининг 2013 йил 5 апрелдаги 2013-7, 01-02/19-22 ва 7/4-сон қарори (рўйхат рақами 2467, 2013 йил 12 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 24-сон, 319-модда) билан тасдиқланган Юридик ва жисмоний шахслар томонидан валюта операциялари амалга оширилишининг асосланганлиги юзасидан мониторинг олиб бориш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ва Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Давлат солиқ қўмитаси раиси** **Ш. КУДБИЕВ**

Тошкент ш.,
2022 йил 11 октябрь,
2022-31-сон

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 18 октябрда эълон қилинган.

**Давлат божхона қўмитаси раиси** **А. МАВЛОНОВ**

Тошкент ш.,
2022 йил 30 сентябрь,
13/02-22-36-сон

**Марказий банк раиси** **М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,
2022 йил 29 сентябрь,
20/3-сон

*Келишилди:*

*Вазир* *Д. КУЧКАРОВ*

*2022 йил 20 сентябрь*

*Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти бошлиғи* *Д. РАХИМОВ*

*2022 йил 19 сентябрь*

*Савдо-саноат палатаси раиси* *Д. ВАХАБОВ*

*2022 йил 19 сентябрь*

Ўзбекистон Республикаси
Давлат солиқ қўмитасининг 2022 йил
11 октябрдаги 2022-31-сон, Давлат божхона
қўмитасининг 2022 йил 30 сентябрдаги
13/02-22-36-сон ва Марказий банки
бошқарувининг 2022 йил 29 сентябрдаги
20/3-сон қарорига
ИЛОВА

**Юридик ва жисмоний шахслар томонидан валюта операциялари амалга оширилишининг асосланганлиги юзасидан мониторинг олиб бориш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 1-банднинг биринчи хатбошисидан «тегишлилиги бўйича ҳудудий давлат солиқ бошқармаларига ёки Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро давлат солиқ инспекциясига, шунингдек» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

2. 3-банддаги «алоқа каналлари» деган сўзлар «солиқ тўловчининг шахсий кабинети» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 4-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«4. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ҳар ойда, ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 5-санасига қадар, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига қуйидаги фактлар аниқланган тақдирда маълумотни мазкур Низомнинг 5 ва 6-иловаларига мувофиқ шаклларда онлайн режимда электрон кўринишда жўнатади:».

4. 5-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

## 396 Қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга ошириш ҳуқуқини олиш учун жисмоний шахсларни аттестация (қайта аттестация)дан ўтказиш тўғрисидаги низом ва унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида*

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 18 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 660-8***

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 7 июндаги 304-сон «Қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга ошириш ҳуқуқини олиш учун жисмоний шахсларни аттестациядан (қайта аттестациядан) ўтказиш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир** **Т. ИШМЕТОВ**

Тошкент ш.,
2022 йил 5 октябрь,
55-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 18 октябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг 2022 йил 5 октябрдаги
55-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар**
**РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази томонидан 1999 йил 1 мартда 42-сон билан тасдиқланган Қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга ошириш ҳуқуқини олиш учун жисмоний шахсларни аттестация (қайта аттестация)дан ўтказиш тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 660, 1999 йил 3 март).

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2006 йил 23 августдаги 2006-06-сон «Қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга ошириш ҳуқуқи учун жисмоний шахсларни аттестация (қайта аттестация) қилиш тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 660-1, 2006 йил 14 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 42-сон, 421-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2008 йил 15 декабрдаги 2008-43-сон «Қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга ошириш ҳуқуқи учун жисмоний шахсларни аттестация (қайта аттестация) қилиш тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 660-2, 2009 йил 20 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 4-сон, 31-модда).

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2010 йил 29 январдаги 2010-03-сон «Қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга ошириш ҳуқуқи учун жисмоний шахсларни аттестация (қайта аттестация) қилиш тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 660-3, 2010 йил 11 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 10-11-сон, 78-модда).

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2011 йил 4 июлдаги 2011-11-сон «Қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга ошириш ҳуқуқи учун жисмоний шахсларни аттестация (қайта аттестация)дан ўтказиш тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 660-4, 2011 йил

9 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 32-33-сон, 338-модда).

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази бош директорининг 2013 йил 9 декабрдаги 2013-12-сон «Қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга ошириш ҳуқуқи учун жисмоний шахсларни аттестация (қайта аттестация)дан ўтказиш тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 660-5, 2013 йил 20 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 51-сон, 682-модда).

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази бош директорининг 2015 йил 30 июлдаги 2015-07-сон «Қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга ошириш ҳуқуқи учун жисмоний шахсларни аттестация (қайта аттестация)дан ўтказиш тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 660-6, 2015 йил 5 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 31-сон, 422-модда).

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази бош директорининг 2017 йил 28 августдаги 2017-07-сон «Қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга ошириш ҳуқуқи учун жисмоний шахсларни аттестация (қайта аттестация)дан ўтказиш тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 660-7, 2017 йил 21 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 38-сон, 1062-модда).

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

## 397 «Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларида давлат бюджети маблағлари ҳисобидан даволанадиган касалликлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»-ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 19 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3348-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 июлдаги ПҚ–5199-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2022 йил 17 январдаги 3-сон «Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларида Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан даволанадиган касалликлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғига (рўйхат рақами 3348, 2022 йил 9 февраль) (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 09.02.2022 й., 10/22/3348/0126-сон) иловага** мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир** **Б. МУСАЕВ**

Тошкент ш.,
2022 йил 17 октябрь,
24-сон

*Келишилди:*

***Молия вазири*** ***Т. ИШМЕТОВ***

*2022 йил 3 октябрь*

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 19 октябрда эълон қилинган.
** Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРОРИНИНГ БУЙРУҒИ

## 398 «Назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган текширувларни келишиш ва ўтказиш тартиби ҳақидаги вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 20 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3067-1***

Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 13 сентябрдаги ПҚ–374-сон «Тадбиркорлик субъектлари фаолиятида текширувлар ўтказишни мувофиқлаштириш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2018 йил 6 сентябрдаги Б-55-сон «Назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган текширувларни келишиш ва ўтказиш тартиби ҳақидаги вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 3067, 2018 йил 7 сентябрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 08.09.2018 й., 10/18/3067/1854-сон) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ва Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ 2022 йил 1 ноябрдан эътиборан кучга киради.

**Бош прокурор** **Н. ЙЎЛДОШЕВ**

Тошкент ш.,
2022 йил 13 октябрь,
45-В-сон

*Келишилди:*

***Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил*** ***Д. КАСИМОВ***

*2022 йил 12 октябрь*

***Савдо-саноат палатаси раиси*** ***Д. ВАХАБОВ***

*2022 йил 12 октябрь*

---

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 20 октябрда эълон қилинган.

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида**
**МАЪЛУМОТИ**

## *I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:*

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2022 йил 14 октябрдаги 23-мҳ-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар томонидан қабул қилинган айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

***2022 йил 17 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3392.***

2. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2022 йил 14 октябрдаги 24-мҳ-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар томонидан қабул қилинган айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

***2022 йил 17 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3393.***

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2022 йил 11 октябрдаги 2022-31-сон, Давлат божхона қўмитасининг 2022 йил 30 сентябрдаги 13/02-22-36-сон ва Марказий банки бошқарувининг 2022 йил 29 сентябрдаги 20/3-сон «Юридик ва жисмоний шахслар томонидан валюта операциялари амалга оширилишининг асосланганлиги юзасидан мониторинг олиб бориш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

***2022 йил 18 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2467-5.***

4. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2022 йил 5 октябрдаги 55-сон «Қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга ошириш ҳуқуқини олиш учун жисмоний шахсларни аттестация (қайта аттестация)дан ўтказиш тўғрисидаги низом ва унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги буйруғи.

***2022 йил 18 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 660-8.***

5. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2022 йил 17 октябрдаги 24-сон «Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларида Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан даволанадиган касал-

ликлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

***2022 йил 19 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3348-1.***

6. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2022 йил 13 октябрдаги 45-В-сон «Назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган текширувларни келишиш ва ўтказиш тартиби ҳақидаги вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи.

***2022 йил 20 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3067-1.***

## ***II. Давлат реестридан чиқарилди:***

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази томонидан 1999 йил 1 мартда 42-сон билан тасдиқланган Қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга ошириш ҳуқуқини олиш учун жисмоний шахсларни аттестация (қайта аттестация)дан ўтказиш тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 660, 1999 йил 3 март), шунингдек унга ўзгартириш ва ва қўшимчалар (рўйхат рақами 660-1, 2006 йил 14 октябрь), (рўйхат рақами 660-2, 2009 йил 20 январь), (рўйхат рақами 660-3, 2010 йил 11 март), (рўйхат рақами 660-4, 2011 йил 9 август), (рўйхат рақами 660-5, 2013 йил 20 декабрь), (рўйхат рақами 660-6, 2015 йил 5 август), (рўйхат рақами 660-7, 2017 йил 21 сентябрь).

***2022 йил 18 октябрда давлат реестридан чиқарилди.***

2. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2018 йил 6 сентябрдаги Б-55-сон «Назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган текширувларни келишиш ва ўтказиш тартиби ҳақидаги вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 3067, 2018 йил 7 сентябрь).

***2022 йил 20 октябрда давлат реестридан чиқарилди.***

**Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**